O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 20 (9.364) 2000 йил 16 февраль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

Эртанги кунимиз фаровон бўлсин десак, тараққий топган давлатлардан кам бўлмасдан ўзимизнинг орзу-мақсадимизга эришмоқчи бўлсак, бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарур. Тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш, изланиш ва яна изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳисобидан яшашимиз керак.

Ислом КАРИМОВ.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1999 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2000 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Мамлакатимизнинг 1999 йилдаги иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, иқтисодиётни ислоҳ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз ҳақида гап кетар экан, аввало, бир нарсани мамнуният билан таъкидламоқчиман: ўтган йили ислоҳотларнинг асосий устувор йўналишлари бўйича кўзда тутилган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар асосан бажарилди.

Хўш, бир йил мобайнида айнан нималарга эришдик?

Биринчидан, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш таъминланди. Молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини сезиларли даражада мустаҳкамлашга эришилди. Ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга ортди. Мўлжалланган кўрсаткичлар доирасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди. Ўтган йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноатда — 106,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида — 105,9 фоизни, чакана товар айланиши эса 110,5 фоизни ташкил этди.

Давлат бюджетининг камомади 1,8 фоиз бўлди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси 1,9 фоизни ташкил этди. Нақд пул эмиссияси 10,2 фоизга тенг бўлди.

Банк тизимининг умумий активлари 48 фоизга ортди. Жами активларнинг 57 фоизи узоқ ва ўрта муддатли кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро тўлов механизми анча мустаҳкамланди. Бу эса ўз навбатида корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш имконини берди.

Республика корхона ва ташкилотларининг тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари миқдори йил давомида 76 миллиард 800 миллион сўмдан 1 миллиард 800 миллион сўмга қисқарди. Мониторинг назорати ўрнатилган 22 та вазирлик ва идора 2000 йилнинг 1 январига қадар тўлов муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзларидан амалда халос бўлди.

Ўтган йили иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эълон қилиш жараёни фаоллашди. Хусусан, хўжалик судлари томонидан 995 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Бу - 1998 йилдагига нисбатан 548 та кўп демакдир.

Банкротликка учраган бир минг олтита корхона тугатилди. Банкрот бўлган корхоналарнинг 2 миллиард сўмликдан зиёд мол-мулки савдога қўйилди. Кредиторларнинг 837 миллион 500 минг сўмлик қарзи ундириб берилди.

Корхоналарни банкротлик ҳолатига туширib қўйгани, ишга лоқайд муносабати ва хизмат лавозимини суиистеъмол қилгани учун хўжалик судлари томонидан 95 нафар мансабдор шахсга нисбатан жиноий иш қўзғаш ҳақида қарор чиқарилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида 1999 йилда Молия вазирлиги қошида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бўйича ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйиш мақсадида махсус жамғарма ташкил этилди.

Ушбу жамғарма орқали 1999 йил ҳосили учун 162 ярим миллиард сўм, жумладан, пахта хомашёси учун 101 миллиард 300 миллион сўм, ғалла учун 48 миллиард 600 миллион сўм, шоли учун 12 миллиард 600 миллион сўм маблағ ажратилган.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга 2000 йил ҳосили ҳисобидан кузги-қишки агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш учун қарийб 32 миллиард сўм, иш ҳақи учун эса қарийб 53 миллиард сўм аванс маблағлари берилди.

Бу - қишлоқ хўжалиги ишларини белгиланган муддатда бажариш жараёнини зарур молиявий ресурслар билан мустаҳкамлаш имконини берибгина қолмай, балки қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилаш, деҳқонларга етиштирган маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб ишларини ҳам ўз вақтида амалга ошириш имконини яратди.

Учинчидан, таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда. Ўтган йили саноатдаги ўсиш асосан янги ишга туширилган иншоотлар ҳисобидан таъминланди. Янги ишлаб чиқариш тармоқлари ривожи учун 282 миллиард 300 миллион сўм ёки ялпи сармояларнинг 56 фоиздан кўпроғи йўналтирилди. Хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми бир ярим баробардан зиёдроқ ортди.

Тўртинчидан. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнига иқтисодиётнинг негизини белгилайдиган тармоқларга қарашли ўрта ва йирик корхоналар ҳам жалб қилинди. Хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқаришдан 1999 йили тушган маблағ 9 миллиард 100 миллион сўмни ташкил этди. 1998 йили эса бу кўрсаткич 8 миллиард 800 миллион сўм бўлган эди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш натижасида тушган маблағнинг 350 миллион сўми корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш мақсадлари учун йўналтирилди.

Давлат мулки бўлган 67 та иншоот, жумладан, мулкий мажмуалар шаклидаги 27 та объект хорижий инвесторларга сотилди. Сотиб олинган корхона ва акциялар учун хорижий инвесторлар томонидан тўланган маблағ 16 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу - 1998 йилдагига қараганда етти ярим баробар кўп демакдир. Шу билан бирга, хорижий сармоядорларнинг инвестиция мажбуриятлари 238 ярим миллион АҚШ доллари ва 1 миллиард сўмдан зиёдроқни ташкил этди.

Бешинчидан, кичик ва ўрта бизнес ривожи учун хорижий кредитларни жалб этиш борасида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Бу эса 1998 йил якунларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда билдирилган танқидий фикрлардан банклар ва тегишли тузилмалар тўғри хулоса чиқариб олганидан далолат беради.

Кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг энг нуфузли банклари, хусусан, Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг 150 миллион АҚШ доллари, Осиё тараққиёт банкининг 50 миллион АҚШ доллари, Германия тикланиш банкининг 5 миллион немис маркаси миқдоридаги, хуллас, умумий ҳажми 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган кредит маблағлари жалб этилди ва тўлиқ ўзлаштирилди.

Юқорида номи тилга олинган Германия банкининг 15 миллион евро, Халқаро молия корпорациясининг 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги янги кредит йўналишлари очилди. Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан яна 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит йўналишини очиш ҳақида шартнома имзоланди.

Олтинчидан, мамлакатимизда муҳим ижтимоий дастурлар фаол амалга оширилди.

Масалан, Аёллар манфаатларини рўёбга чиқаришни таъминлаш дастури доирасида хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, қарийб 8 минг ўқувчига мўлжалланган 13 та академик лицей, 58 минг ўқувчига мўлжалланган 90 та касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари жорий этилди. Коллежлар учун умумий касб-ҳунар ва мутахассислик бўйича салкам 1200 та ўқув дастури ишлаб чиқилди ва таълим жараёнига киритилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишнинг давлат дастурини амалга ошириш жараёнида аҳолига тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шакллланмоқда. Самарқанд, Фарғона ва Андижонда ушбу янги тизим тармоқлари, 30 та шаҳар ва туманда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бугунги кунда нодавлат секторида қарийб 1600 та хусусий тиббиёт муассасалари фаолият юритмоқда.

Ўтган муддат мобайнида **ижтимоий инфратузилма** янада ривожланди. Тўрт ярим минг километрли газ тармоғи - шундан 4 минг 300 километри қишлоқларда, икки минг километрдан зиёд ичимлик сув тармоғи - шундан 1 минг 900 километри қишлоқ жойларида ишга туширилди.

Азиз дўстлар!

Айни вақтда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида, Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида таъкидланганидек, биз асосий эътиборни қўлга киритган ютуқлар таҳлилига эмас, балки ислоҳотлар йўлидан барқарор боришимизга тўсиқ бўлаётган муаммо ва қийинчиликларнинг танқидий таҳлилига қаратишимиз лозим. Айниқса, бугун йил якунини муҳокама қилар эканмиз, энг аввало, мана шу ҳақда гаплашиб олишимиз зарур.

Биринчи навбатда қўйидаги масалаларга аниқлик киритиш керак: биз қайси ишларни қилишга улгура олмадик? Тараққиётимизга нималар тўсиқ бўлмоқда? Биз қали фойдаланмаётган яна қандай қўшимча имкониятлар мавжуд?

Мен бугун Вазирлар Маҳкамасининг Мажмуа раҳбарлари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг худди мана шу масалалар юзасидан аниқ жавоблар беришини истар эдим.

Ўтган йилдаги ишларимиз натижаларини айнан мана шу нуқтаи назардан танқидий баҳолайдиган бўлсак, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Биринчи. Шуни тан олиб айтиш керакки, 1999 йилга мўлжалланган вазифаларнинг барчаси ҳам тўла-тўкис амалга оширилмади.

Саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари бўйича кўзда тутилган ҳажмларга эришилмади. Мавжуд 180 турдаги энг муҳим саноат маҳсулотларининг 101 тури бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайишига йўл қўйилди.

Экспорт ҳажми ҳам мўлжалдаги даражага етмади. У атиги 83 фоизга бажарилди.

Бунинг сабабини фақат жаҳон бозори конъюнктурасидаги аҳволнинг биз учун ноқулайлиги билангина изоҳлаш мумкин эмас. Ҳамма гап шундаки, бизда маҳсулот экспорт қилувчилар фаолияти ҳам, ташқи иқтисодий фаолият маркетинги ҳам, ташқи бозорга товар чиқаришга хизмат қиладиган тизим ҳам жуда заиф ташкил этилган.

Экспорт ҳажми бўйича белгиланган топшириқларни бажаришда "Ўзқишлоқмашхолдинг" (9,4 фоиз), "Ўзмашсаноат" (10,1 фоиз), "Ўзмевасабзавотузмасаноатхолдинг" (12,9 фоиз), "Ўзқурилишматериаллари" (29,7 фоиз) компанияларига, "Махсусқотишма" (14,2 фоиз), "Ўзавтосаноат" (24,4 фоиз) уюшмаларига қарашли корхоналар анча орқада қолмоқда.

Тегишли бирлашма ва идоралар раҳбарлари ўзи қўйилган бундай камчиликлар учун жавоб берадиган вақт келди. Керак бўлса, мансабда ўз ўтириб қолган, замон талабларини тушунмайдиган раҳбарларни сергайрат, ташаббускор кадрлар билан алмаштириш зарур.

Шуни тан олиш керакки, бизнинг структура сиёсатимиз кўпинча ўз ҳолича шакллланмоқда. Мамлакатимиз саноати ривожида ўзига хос "локомотив" вазифасини бажариши лозим бўлган тармоқ ва корхоналарни аниқ-равшан белгилаб олишимиз керак.

Соддароқ қилиб айтганда, мазкур тармоқ ва корхоналар ривожи ишлаб чиқаришнинг бутун бир янги тизимларини ўз ортидан тортиб кетиши керак. Четдан келтирилаётган бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналарни ўзимизда ишлаб чиқарадиган корхона ва қувватларни кенгайтириш ва ривожлантиришга яна ва яна эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман.

Бундай ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш саноат ва иқтисодиётни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартирib қолмай, барча ресурслар ва маҳаллий хомашёдан янада самарали фойдаланиш, жойларда янги иш ўринлари ташкил этиш, кадрларнинг касб маҳоратини такомиллаштириш имконини беради.

Ана шуларни назарда тутиб, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир етакчи тармоғи бўйича маҳаллий хомашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой ичида 2005 йилгача мўлжалланган мана шундай дастурни тайёрласин.

Иккинчи. Ўтган давр мобайнида йўл қўйилган камчиликлар, эришилмаган марралар ҳақида гапирар эканмиз, буларнинг негизи, томири, аввало, бошлаган ишимизни охиригача етказмаслик, бўшлик, масъулиятсизлик, расмиятчилик ҳолларига йўл қўйганимизда, малака ва билимнинг саёзлигида, ўзибўларчиликка берилиб кетганимизда деб биламан.

Биз бозор иқтисодиёти асосларини яратдик, лекин, рўйрост айтиш керакки, бозор иқтисодиётига хос янгиланишлар ва ислоҳотлар расмиятчилик билан олиб борилмоқда, кўп ҳолларда шунчаки хўжакўрсинга амалга ошириляпти. Асосан ном ўзгараяпти-ю, мазмун-моҳият ўша-ўша — эскилигича қолмоқда. Бозор муносабатлари механизми сust ишламоқда. Бу ҳол иқтисодиётнинг барча соҳаларида — саноатда, қишлоқ хўжалигида, капитал қурилиш ва бошқа тармоқларда кўзга яққол ташланиб турибди.

Биз кўпинча хусусийлаштириш ҳақида гапирганда, асосий эътиборни миқдор ўзгаришларига, дейлик, қанча корхона мулкчилик шаклини ўзгартирганига қаратамиз. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланганидан буён 76 мингдан зиёд давлат корхонаси мулкчиликнинг бошқа шаклига ўтказилганини катта ютуқ сифатида кўрсатамиз.

Лекин, азиз биродарлар, келинг, ўзимизга-ўзимиз бир савол берайлик: нима ўзгарди ва, биринчи навбатда, бу ўзгариш корхоналарнинг фаолияти натижаларига нечоғлик таъсир этди? Таассуфки, аксарият корхоналарда шакл ўзгарган-у, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида айтишга арзигулиқ ўзгариш рўй бермади.

Масалан, қурилиш материаллари саноатида 66 та корхонадан 14 таси иқтисодий ночор аҳволда. Айниқса, хусусийлаштирилган корхоналар — "Оҳангаронширфер", "Бекободноруда", "Бекободцемент", "Сантехқурилма", "Кулол", "Бухоро қурилиш материаллари" ҳиссадорлик жамиятлари ўта оғир молиявий аҳволга тушиб қолган.

Кўпгина машинасозлик корхоналарида хусусийлаштирилгандан кейин ҳам ижобий ўзгаришлар юз бермаяпти.

"Ўзэлтехсаноат" уюшмасига қарашли "Оникс" ҳиссадорлик жамияти жорий йилда 1998 йилги кўрсаткичларининг атиги 72,5 фоизи даражасида маҳсулот ишлаб чиқарган, устига-устак, корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳажми кўпайиб кетган.

"Ўзмашсаноат" уюшмасига қарашли "Мелиоқурилишмаш" корхонаси 1994 йили ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган эди, бу ўзгаришдан ҳеч қандай натижа чиқмагач, у шаҳар хўжалик судининг 1998 йил 4 декабрдаги қарорига кўра тугатилди.

Мулкчилик шаклларини ўзгартирган, аммо иш тўғри ташкил этилмагани учун ночор аҳволга тушиб қолган корхоналар сирасига мева-сабзавот саноати тармоғида — "Андижон" ҳиссадорлик жамияти, "Хўжаобод" консерва заводи очиқ ҳиссадорлик жамияти, "Келесшароб" ҳиссадорлик жамиятини, қурилиш соҳасида — Тошкентдаги биринчи ва иккинчи уй-жой қурилиш комбинатларини, "Уй-жойқурилиш", "Бошқурилишбутлаш" ва бошқа кўплаб корхоналарни киритиш мумкин.

Иқтисодий ночор корхоналари кўп бўлган тармоқлар ўз қўлларидаги акция пакетларини сотиш, хорижий инвестицияларни бевосита жалб этиш борасида ҳам катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Мисол учун, "Ўзбекмебель" давлат ҳиссадорлик жамияти 1999 йили сотилиши керак бўлган акциялар умумий миқдорининг бор-йўғи 26,7 фоизини, "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси уч фоиздан сал ортиғини, "Ўзмашсаноат" уюшмаси эса атиги икки фоизини сотган, холос.

1999 йили давлатга тегишли 22 миллиард 600 миллион сўмлик акциялардан атиги 3 миллиард 800 миллион сўмлиги фонд бозорида сотилган.

Бундай ноҳуш аҳволнинг бош сабаби корхоналарни хусусийлаштириш мантиқий ниҳоясига етмаганида, яъни самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шаклланмаганида, деб биламан.

Мулк шакли номигагина ўзгармоқда, тармоқ бошқарув идоралари корхоналар маъмурияти ва раҳбарлари даражасидаги қаршилик ҳамда айрим ҳолларда мулкдорлар янги авлодининг ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олмаслиги оқибатида меҳнатга муносабат ва рағбат ўзгармасдан қолмоқда.

Ишимиздаги энг катта камчилик ва иллат шундан иборатки, корхоналар хусусийлаштирилгандан кейин уларни қўллаб-қувватлаш механизми яратилмаган.

Мана шундай вазиятнинг юзага келишида акциядорларнинг ишончли вакили бўлган бошқарувчилар ва давлат улуши учун масъул шахсларнинг, қолаверса, Давлат мулк қўмитаси раҳбариятининг ҳам катта айби бор.

Ҳиссадорлик жамиятларида бошқарувнинг том маънодаги корпоратив шаклини ҳозирча жорий эта олмаяпмиз.

Акциядорлар ишончли вакилларининг иш услуби маъмурий буйруқбозлик тамойилларига асосланган иш услубидан фарқ қилмаяпти. Ишончли вакиллар бугун амалда тўрачилик тизимининг навбатдаги бўғинига айланиб қолган. Афсуски, қонунларимизда белгиланган, турли юридик ва жисмоний шахслардан танлов асосида малакали бошқарувчиларни саралаб олиш имкониятидан ҳаётда кенг фойдаланилмаяпти.

Юзага келган бу ноҳуш аҳвол учун шу соҳа ишониб топширилган, давлат мулкидан самарали фойдаланиш, муносиб бошқарувчиларни танлаш ва тавсия этишга мутасадди бўлган Давлат мулк қўмитаси жавоб бериши керак. Албатта, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Мажмуалари раҳбарлари ҳам бундан четда қолмаси керак.

Келинг, энди қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар жараёнига назар ташлайлик. 1999 йили 898 та қишлоқ хўжалиги корхоналари ширкатларга айлантирилди. Уларнинг умумий сони республика бўйича 963 тага етди.

Шунга қарамасдан, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини тўлиқ таъминлашга, бу соҳада меҳнатни рағбатлантириш ва моддий манфаатдорлик тамойилларини мустаҳкамлашга эриша олмадик.

Энг ачинарлиси, 119 та ширкат хўжалиги, яъни барча ширкатларнинг 12,3 фоизи йилни зарар билан якунлади.

Деярли барча туман ва вилоятларда ширкат хўжаликлари аъзолари, уларнинг раҳбарлари ўртасида сўров ўтказилди. Сўров натижалари шуни кўрсатдики, кўпчилик ширкат хўжалиги аъзолари ва раҳбарлари бу ўзгаришлар нима учун қилинаётганини, унинг мазмун-моҳиятини яхши билмайди.

Ислоҳотлардан мақсад — кишларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш, ҳақиқий мулкдорлик, ижара шартномаси асосида ўзларига берилган ерга, унда етиштирилган маҳсулотга эгалик туйғусини қарор топтириш эканини улар ҳали тўлиқ тушуниб етмаянти. Токи, ҳар бир деҳқон ўз меҳнатининг натижасини самарадорлигига яраша ҳақ олишига, рағбатлантирилишига ишонч ҳосил қилмас экан, шуни билиб қўйинглар, қишлоқда ҳеч қандай жиддий ўзгаришга эришиб бўлмайди.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ишларимизнинг аҳволи ҳам бундан яхши эмас. Чинакам фермер узоқ муддатга фойдаланиш учун олган ерининг амалда ҳақиқий хўжайинига айланиши керак. Тузилган шартноманинг барча шартлари деҳқон томонидан ҳам, хўжалик ва маҳаллий ҳокимият томонидан ҳам сўзсиз бажарилиши зарур. Шартнома мажбуриятларини бузган томон, албатта, қонун олдида жавоб бериши шарт. Энг муҳими, давлат қишлоқдаги мулкдорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши керак, деб ҳисоблайман.

(Давоми 2-бетда).

Юракдаги гаплар

ЭРКИНЛАШТИРИШ – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ГАРОВИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 1999 йил якунлари ва 2000 йилнинг устувор вазифалари ҳақидаги чиқишларини юртдошларимиз Ўзбекистон телевиденеиси орқали тинглаб томоша қилдилар. Икки кун давомида Йўлбошчимиз билдирган фикрлар, уларнинг эл-юрт равнақи ҳақида қуйиниб гапиришлари ҳамшаҳарларимизни ҳам бефарқ қолдирмади. Қуйидаги фикрлар ушбу сўзларимиз далилидир.

• Валижон ДАЛИЕВ, "Маҳсум ота" хусусий фирмаси директори:

— Тўғриси, Президентимизнинг икки кун давомидаги чиқишларини эшитиб ўз меҳнатларим, ҳаракатларим зое кетмаётганидан жуда ҳам мамнун бўлдим. Юртбошимизнинг биз тадбиркорларга билдираётган юксак ишончлари ва айниқса"Қўрқманглар, орқангизда мен борман" деган суянч гаплари фақат менинг эмас, балки барча тадбиркорларнинг кўнглини тоғдек кўтарди.

1999 йилдан буён қурилиш учун зарур бўлган ёғоч материаллари тайёрлаб берамиз. Фирмамизда фаолият кўрсатаётган 16 нафар ишчининг барчаси тадбиркор, ишбилармон, шу боис ҳам Юртбошимизнинг куйиниб гапиришлари, қўллаб-қувватлашлари фақат бизга куч-қувват бағишлади.

• Алишер РАҲМОНОВ, "Ижод-ижод" хусусий фирмаси раҳбари:

— Президентимизнинг ёниб-куйиб гапиришларини кўриб, очиғи тўлқинланиб кетдим. Жуда долзарб, айни кўнглимиздаги гапларни айтдилар. Масалан, сабабсиз текширишларни олинг. Улар албатта, нафақат кишининг вақтини олади, балки асабига ҳам тегади. Ишингизга халақит беради. Яна унинг қанча оворагарчилигини айтмайсизми? Баъзан шундай бўладики, йўқ жойдан хато ва камчилик ҳам топишади, ҳақни талаб қилсангиз ёки қаршилик кўрсатсангиз балога қоласиз. Балким шу боис ҳам кўпчилик тадбиркорлар қўл силтаб қилаётган ишидан воз кечади.

Ўйлайманки, Президентимизнинг гапларидан сўнг ҳақиқий тадбиркор ўз йўлини топиб олади. Чунки унинг юрагидаги гаплар топиб айтилди.

ДАВР САДОСИ

Тошкент оқшоми

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Юрий Агзамов Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири этиб тайинланди ва шу муносабат билан мудофаа вазири ўринбосари — Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ қўмондони вазифасидан озод қилинди.

● Республика газеталарида Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг "1999 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

● Ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясининг Тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли ҳарбий транспорт самолёти Тошкент аэропортига қўнди. У АҚШ ҳукуматининг Ўзбекистон Қуролли кучларига ёрдам тариқасида ажратган 16 та автотранспортнинг 12 тасини келтирди. Кейинчалик қолган машиналар ҳам олиб келинади.

● Нукусда республика оналик ва болалик маркази фойдаланишга топширилди. 300 ўринга эга бўлган янги мажмуа замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

● Фарғонада зудлик билан тиббий хизмат кўрсатадиган республика илмий марказининг филиали тантанали равишда очилди.

● Тошкент кимё-технология институтида кимё ва озиқ-овқат саноати йўналишлари бўйича бакалаврларни етиштириб чиқаришга бағишланган тадбир ўтказилди.

● Жиззахдаги 65-мактабда "Ўзбекистон Президенти — янги даврнинг давлат арбоби" мавзуида очиқ дарс ўтказилди.

● Сурхондарёда меҳр-мурувват ўн кунлиги бўлиб ўтди.

● Фарғона вилояти ҳокимлигида бокс бўйича йиғирманчи Осиё чемпионатининг ғолиби бўлган фарғоналик боксчи Дилшод Йўлдошевга "Тико" автомобилининг калити топширилди.

ЖАҲОНДА

● **Бугун** НАТО Бош котиби лорд Жорж Робертсон Москвага келади.

● **Бугун** АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Строп Тэлбот Японияга ташрифини якунлаб Хитойга йўл олади.

● **Бугун** Германия Президенти Иоган Рао расмий ташриф билан Исроилга келади.

● **Бугун** Сербияда ҳукмрон социалистик партиясининг конгресси ўз ишини бошлайди.

● **Бугун** Покистонда мамлакатнинг собиқ бош вазири Навоз Шариф устидан суд жараёни яна тикланади.

● **Бугун** Дания қироличаси Маргарита II ва шаҳзода Канцорт давлат ташрифи билан Буюк Британияга келишади.

● Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Александр Вишняков Россияда президентлик сайловларини ўтказиш учун 2,5 миллиард рубль ажратилганлигини айтди.

● **Кеча** БМТ Бош котиби Кофи Аннан Индонезия пойтахти Жакартага ташриф билан келди.

● МДҲ ижрочи котиби Юрий Яров Остонада Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев билан учрашди.

● Олиб қочилган самолётдаги 73 йўловчи Лондондан Афғонистонга қайтиб келди. Қолган йўловчилар сиёсий бошпана сўрадилар. Самолётни олиб қочганлар ҳибсга олинди. Толибонлардан хавфсизлик кафолатини олган ва Афғонистонга қайтиб келган гаровдагиларнинг ҳаммаси бу ерга қайтиб келиш тўғрисидаги қарорини ўз хоҳишлари билан қабул қилдилар.

● **Кеча** Рим Папаси Иоан Павел II ва фаластинларнинг раҳбари Ёсир Арофат Қуддусдаги католик черковининг мақоми тўғрисидаги битимни имзоладилар. Ватикан худди шундай битимни Исроил билан имзолади. Бу битимларни имзолаш учун икки йил мобайнида музокаралар олиб боришга тўғри келди.

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ – ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАМИЗ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 1999 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2000 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Биз қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани билан асло муроса қила олмаймиз. Бу иш учун Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, биринчи навбатда, маҳаллий ҳокимликлар жавоб бермоғи керак.

Талаб қаттиқ бўлади. Мен бу масала юзасидан шахсан Б.Олимжоновдан, ҳар бир вилоят ва туман ҳокимларидан аниқ жавоб кутаман.

Ёки капитал қурилиш соҳасини олайлик.

Капитал қурилишни ислоҳ қилиш жараёнида кам қувватли, зарар кўриб ишлаётган 800 га яқин ташкилот тугатилди. Қурилиш саноати, механизациялаш ва транспортга таллуқли 330 дан зиёд корхона ва ташкилот мустақил фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди. Пудрат усулига тендер савдосини жорий этиш 4 миллиард 700 миллион сўм маблағни тежаш имконини берди.

Шу билан бирга, самарали фаолият кўрсатадиган пудрат ишлари бозори ҳозирча ташкил этилгани йўқ. Тендер савдоси ҳужжатларининг сифати талабга жавоб бермайди. Тендерларни ўтказишда объектларни "ўзига тегишли" қурилиш ташкилотлари ўртасида тақсимлаш, уларнинг нархини олдиндан белгилаб қўйиш, очиғини айтганда, бу муҳим тадбирни амалдаги қоидаларга зид равишда, номигагина ўтказишдек кўплаб нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Техник ҳужжатларни тўлғазишдаги камчиликлар қурилиш иншоотлари нархининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Навоий вилояти, Конимех туманидаги коллежни қайта таъмирлаш қиймати 100 миллион 700 минг сўмдан 147 миллион 300 минг сўмга, Хоразм вилояти, Урганч шаҳридаги академик лицей қурилишининг қиймати 737 миллион 600 минг сўмдан 818 миллион 900 минг сўмга ошган.

Ҳукумат қарорида белгиланганига қарамай, жойларда кўплаб кам қувватли қурилиш ташкилотлари сақланиб қолмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятида йил давомида "Ургутагроқурилиш"га қарашли 391-кўчма колонна 58 минг сўм, "Узбекистонқурилиш"га қарашли 855-қурилиш бошқармаси 38 минг сўм, 286-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна 41 минг сўмлик ҳажмда пудрат ишларини бажарган, холос.

Сурхондарё вилоятида ҳам шу каби ҳолатни кузатиш мумкин. "Хайробод" хўжалик ҳисобидаги қурилиш бошқармаси бир йилда бор-йўғи 61 минг сўм, "Сурхонтаъминот" акциядорлик жамияти 6 минг сўм, "Қурилиштранс" акциядорлик жамияти 35 минг сўмлик иш бажарган. Бундай мисолларни бошқа вилоятлардан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шу ўринда савол туғилади: кам қувватли, кичик, зарар кўриб ишлаётган пудрат ташкилотлари кимга ва нима учун керак? Ким уларни таъминлаётган? Бундай ишларга чек қўйиш вақти етди. Республика прокуратураси раҳбарлигида керакли мутахассисларни жалб этиб, махсус комиссия тузишни, текширув натижалари ҳақида бир ой муддатда ҳисобот беришни топшираман.

Ўтган йил давомида тижорат банкларининг капиталини кўпайтириш, барқарор, **молиявий жиҳатдан мустаҳкам банк** тизимини ташкил этиш борасида муайян ишлар қилинди. Ҳисобот даврида тижорат банкларининг умумий сармояси 1,5 баробар ошди ва 144 миллиард сўмга етди. Бунда банклар томонидан акциядорларнинг 15 миллиард сўмдан ортиқ маблағи устав капиталига қўшимча равишда жалб этилди. Тижорат банкларининг акциядорлари сезилари даражада кўпайди. Уларнинг умумий сони 66 минг 800 нафардан 82 минг 300 кишига етди.

Айни пайтда "Савдогарбанк", "ЎТБанк", "Туркистонбанк", "Истиқболбанк", "Ўктамбанк" каби банкларда капиталлаштириш жараёни суст бормоқда. Банк тизимида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки амалда ҳамон яккаҳоким бўлиб турибди.

Банкларнинг инвестиция фаолияти жадал ривожланмаяпти. Банклар кредит портфелининг асосий улуши марказлашган ресурслар, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳиссасига тўғри келади. Бу – қурилиш ва ишлаб чиқариш жиҳозлари учун ажратилган кредитларнинг қарийб 60 фоизини ташкил этади.

Янги корхоналар ва ишлаб чиқариш жиҳозларига инвестиция ажратишни кредитлаш асосан бешта банкда — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Пахтабанк", "Асакабанк" ва "Уйжойжамғармабанк"да жамланган. Қолган 28 банк ҳиссасига эса умумий инвестиция кредитлари ҳажмининг атиги 2 фоиздан зиёдроги тўғри келади.

Мен бунинг сабабини, энг аввало, иқтисодий ислоҳотларни жорий этишга масъул бўлган Марказий банк, Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа муассаса ва ҳукумат тузилмалари қониқарсиз ишлаётганида, деб биламан.

Учинчи. Бизнинг, балки, энг заиф томонимиз шуки, **кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни** талаб даражасида ривожлантира олмаяпмиз. Бунга эришиш учун тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг бозор муносабатларига хос қудратли, ички омилига айланиши зарур.

Тадбиркорлар, мулк эгалари синфини — мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тоифасини шакллантириш ҳам ҳозирча ҳукуматимиз ва маҳаллий ҳокимликларнинг бош мақсади ва вазифасига айланмаяпти. Бунинг устига, янги шакланаётган ижтимоий қатлам — тадбиркор ва ишбармонлар, кичик ва ўрта корхона эгалари ўз фаолиятларида амалий ёрдам ўрнига лоқайдликка, айрим ҳолларда эса жойларда давлат мансабдорлари ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг қаршилигига дуч келмоқда.

Биз кичик ва хусусий бизнеснинг аҳамияти, уни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақида кўп гапирамиз. Унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда муайян ўрин эгаллаши, аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлик муаммосини қал этишнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаймиз. Бунинг учун кенг қамровли ҳуқуқий асос яратганмиз. Амалда эса нима бўлаяпти?

Кичик ва ўрта корхоналар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бор-йўғи 12,6 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида фақат 6,2 фоиз, қурилиш соҳасида эса 12,3 фоиздан иборат.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ривожланиб бориши ўрнига биз кўп жойларда бунинг акси бўлган манзарага дуч келмоқдамиз. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони республикада 3,6 фоизга, жумладан, Қашқадарё вилоятида – 6,3, Андижонда – 11, Хоразмда – 12, Тошкент шаҳрида эса – 12,6 фоизга камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳозирги вақтда 5 ярим минг кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда 28 минг 600 микрофирма фаолият кўрсатмаяпти. Бундай микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар салмоғи Қорақалпоғистон Республикасида – 41,4 фоизни, Самарқанд вилоятида – 32,3 фоизни, Навоийда – 26 фоизни, Тошкент шаҳрида – 25 фоизни ташкил этади.

Номлари юқорида зикр этилган вилоят ва шаҳар ҳокимлари, тадбиркорликка ёрдам бериши керак бўлган Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарлари бундай ноҳуш ҳолатдан нега безовта бўлмаяпти? Нега кўл қовуштириб ўтирибди, нега улар бонг урмайди? Энг муҳими, бу мутасаддилар нега зарур чора-тадбирлар кўришмаяпти?

Агар бу хўжалик юритиш субъектлари – кичик ва ўрта корхоналар бир вақтлар жиддий ҳисоб-китобларсиз, шошқалоқлик билан ташкил этилган бўлса, бугунги кунда бу борада биз барча зарур қонунчилик ва ҳуқуқий асосларга эгамиз. Шундай экан, бу масалани эндиликда охирига етказишимиз керак. Бу борада фаолиятсизлик, ортиқча кутиб ўтириш порахўрлик ва таъмагирлик учун шарт-шароит яратади, холос.

Идоравий меъёрий ҳужжатлар, низом ва кўрсатмаларни амалдаги қонунчиликдан устун кўриш, ҳатто уларга қарама-қарши қўйиш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини чеклаш ҳоллари қачон барҳам топади? Бундай бемазагарчиликларга қачонгача тоқат қиламиз?

Ҳозирги вақтда вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан Ҳукумат қарорларига хилоф равишда мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар кичик ва ўрта бизнес тараққиётига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Прокуратура органлари томонидан туман, шаҳар ҳокимлари чиқарган ноқонуний ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар устидан 137 та протест келтирилган ва 5 та тақдимнома киритилган. Уларнинг 49 фоизи Самарқанд вилояти, 20 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Маҳаллий органлар ва идоралар тадбиркорларга кўмаклашиш ўрнига ҳар турли тўсиқ ва ғовларни ўйлаб топишмоқда. Уларга бундай **ўзбошимчалик қилишга ким** ҳуқуқ берди?

Бунга шу залда ўтирган ҳокимлар қандай жавоб бериши мумкин?

Ҳатто шунчаликка бориб етишганки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олишга келганларни газета ва журналларга обуна бўлишга, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциацияси каби ҳар хил уюшма, жамғарма, бирлашма ва ассоциацияларга аъзоликка мажбур этишмоқда. Улардан турли тадбирларни ўтказишга маблағ ундириб олишмоқда.

Бундай бемаъни ишларга қатъиян чек қўйиш, маъмурий-буйруқбозлик, эски, якка партиявийлик тизимидан қолган букаби иллатларни таг-томири билан суғуриб ташлаш, айбдор шахсларни жорий этишга масъул бўлган Марказий банк, Давлат мулк қўмитаси, Молия вазирлиги ва бошқа муассаса ва ҳукумат тузилмалари қониқарсиз ишлаётганида, деб биламан.

Учинчи. Бизнинг, балки, энг заиф томонимиз шуки, **кичик, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликни** талаб даражасида ривожлантира олмаяпмиз. Бунга эришиш учун тадбиркорлик, шахсий ташаббус иқтисодий ўсишнинг бозор муносабатларига хос қудратли, ички омилига айланиши зарур.

Тадбиркорлар, мулк эгалари синфини — мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тоифасини шакллантириш ҳам ҳозирча ҳукуматимиз ва маҳаллий ҳокимликларнинг бош мақсади ва вазифасига айланмаяпти. Бунинг устига, янги шакланаётган ижтимоий қатлам — тадбиркор ва ишбармонлар, кичик ва ўрта корхона эгалари ўз фаолиятларида амалий ёрдам ўрнига лоқайдликка, айрим ҳолларда эса жойларда давлат мансабдорлари ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг қаршилигига дуч келмоқда.

Биз кичик ва хусусий бизнеснинг аҳамияти, уни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳақида кўп гапирамиз. Унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда муайян ўрин эгаллаши, аҳоли фаровонлигини ошириш, бандлик муаммосини қал этишнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилиши кераклигини қайта-қайта таъкидлаймиз. Бунинг учун кенг қамровли ҳуқуқий асос яратганмиз. Амалда эса нима бўлаяпти?

Кичик ва ўрта корхоналар улуши ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бор-йўғи 12,6 фоизини ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич саноат маҳсулотларининг умумий ҳажмида фақат 6,2 фоиз, қурилиш соҳасида эса 12,3 фоиздан иборат.

Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ривожланиб бориши ўрнига биз кўп жойларда бунинг акси бўлган манзарага дуч келмоқдамиз. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес субъектлари сони республикада 3,6 фоизга, жумладан, Қашқадарё вилоятида – 6,3, Андижонда – 11, Хоразмда – 12, Тошкент шаҳрида эса – 12,6 фоизга камайганини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳозирги вақтда 5 ярим минг кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳамда 28 минг 600 микрофирма фаолият кўрсатмаяпти. Бундай микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар салмоғи Қорақалпоғистон Республикасида – 41,4 фоизни, Самарқанд вилоятида – 32,3 фоизни, Навоийда – 26 фоизни, Тошкент шаҳрида – 25 фоизни ташкил этади.

Номлари юқорида зикр этилган вилоят ва шаҳар ҳокимлари, тадбиркорликка ёрдам бериши керак бўлган Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раҳбарлари бундай ноҳуш ҳолатдан нега безовта бўлмаяпти? Нега кўл қовуштириб ўтирибди, нега улар бонг урмайди? Энг муҳими, бу мутасаддилар нега зарур чора-тадбирлар кўришмаяпти?

Агар бу хўжалик юритиш субъектлари – кичик ва ўрта корхоналар бир вақтлар жиддий ҳисоб-китобларсиз, шошқалоқлик билан ташкил этилган бўлса, бугунги кунда бу борада биз барча зарур қонунчилик ва ҳуқуқий асосларга эгамиз. Шундай экан, бу масалани эндиликда охирига етказишимиз керак. Бу борада фаолиятсизлик, ортиқча кутиб ўтириш порахўрлик ва таъмагирлик учун шарт-шароит яратади, холос.

Идоравий меъёрий ҳужжатлар, низом ва кўрсатмаларни амалдаги қонунчиликдан устун кўриш, ҳатто уларга қарама-қарши қўйиш, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларини чеклаш ҳоллари қачон барҳам топади? Бундай бемазагарчиликларга қачонгача тоқат қиламиз?

Ҳозирги вақтда вазирликлар, идоралар, банклар ва бошқа ташкилотлар томонидан Ҳукумат қарорларига хилоф равишда мингдан ортиқ меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар кичик ва ўрта бизнес тараққиётига жиддий тўсиқ бўлмоқда. Прокуратура органлари томонидан туман, шаҳар ҳокимлари чиқарган ноқонуний ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар устидан 137 та протест келтирилган ва 5 та тақдимнома киритилган. Уларнинг 49 фоизи Самарқанд вилояти, 20 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келади.

Маҳаллий органлар ва идоралар тадбиркорларга кўмаклашиш ўрнига ҳар турли тўсиқ ва ғовларни ўйлаб топишмоқда. Уларга бундай **ўзбошимчалик қилишга ким** ҳуқуқ берди?

Бунга шу залда ўтирган ҳокимлар қандай жавоб бериши мумкин?

Ҳатто шунчаликка бориб етишганки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олишга келганларни газета ва журналларга обуна бўлишга, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ассоциацияси каби ҳар хил уюшма, жамғарма, бирлашма ва ассоциацияларга аъзоликка мажбур этишмоқда. Улардан турли тадбирларни ўтказишга маблағ ундириб олишмоқда.

Бундай бемаъни ишларга қатъиян чек қўйиш, маъмурий-буйруқбозлик, эски, якка партиявийлик тизимидан қолган букаби иллатларни таг-томири билан суғуриб ташлаш, айбдор шахсларни эса сиёсатимизни обрўсизлантираётгани учун жавобгарликка тортиш зарур.

Кичик ва ўрта корхоналарни рўйхатга олиш, тадбиркорларнинг аризаларини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш муддати ҳамон чўзиб юборилмоқда.

Мавжуд аҳвол таҳлили, жойлардан тушаётган аризалар шундан гувоҳлик берадики, тадбиркорлар ҳанузгача моддий-техника ва хомашё ресурслари ҳамда банклардан кредит олишда қийинчиликларга дуч келишмоқда. Лимит ва квота ажратишнинг мавжуд тизимида тадбиркорларнинг манфаатлари тўлиқ ҳисобга олинмаган.

Бир мисол келтирмоқчиман. Фарғона вилоятида тадбиркорлар бензин ва дизель ёқилғиси олишолмаётганидан шикоят қилишган эди. Ўйлайманки, бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шундай. Масала атрофлича ўрганилганда, бу шикоятлар асосли экани маълум бўлди. Вазирлик ва муассасаларнинг нефть маҳсулотларига бўлган лимити фақат бир фоизга қисқартирилганида, шу йилнинг ўзидаёқ тадбиркорларнинг ёқилғига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш учун қўшимча имконият юзага келди.

Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнес корхоналарига кредит маблағлари ажратиш бўйича турли хил сансалорликлар давом этмоқда. **Ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш ва кредит олиш тинкани қуритадиган даражада оғир жараёнга айланган.**

Айрим тижорат банклари кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит беришдан умуман ўзларини четга олмоқда. Масалан, ўтган йили "Баллабанк" кредит бериш дастурида кўзда тутилган маблағдан атиги 11 фоиз ажратган, "Асакабанк"нинг Хоразм бўлими эса кредит бериш дастурида белгиланган 146 миллион 600 минг сўмдан бир сўм ҳам бермаган.

Кичик ва хусусий корхоналарнинг хорижий кредит маблағларидан фойдаланиш имкониятлари фоиз даражасининг баландлиги, бизнес режаларни ишлаб чиқишда тажриба етишмаслиги, гаров талаблари ўта юқорилиги сабабли чекланиб қолянги. Ҳатто микрокредитлар ажратишга худди катта инвестиция лойиҳаларига берилаётган кредитларга хос қаттиқ талаблар қўйилмоқда. Барча босқичларда келишиб бўлинган лойиҳалар бўйича кредит ажратишни расмийлаштиришда ҳам сансалорликка йўл қўйилмоқда.

Марказий банк, тижорат банклари бу масалани батафсил ўрганиб чиқиб, тадбиркорларни кредит билан таъминлаш жараёнини соддалаштиришга қаратилган тартиб ўрнатишлари зарур. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунида ахборот беришни сўрайман.

Кичик ва ўрта корхоналар ҳисоботи масалаларида ҳам тартиб ўрнатиш вақти келди. Кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ҳар ойда 15 хилдан кўп ҳисобот топшириши тоқат қилиб бўлмайдиган ҳолдир. Жумладан, меҳнат биржаси, пенсия жамғармаси, ижтимоий суғурта жамғармаси, бандлик жамғармаси, статистика идоралари, солиқ инспекцияси, банк ва бошқа ташкилотларга ҳисоботлар бериш бюрократик тўсиқлардан бошқа нарса эмас. Бунга озмунча вақт кетадими? Устига-устак, ҳар бир ҳисобот бланкаси учун ҳақ тўлаш зарур. **Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бу ишда зудлик билан тартиб ўрнатиши керак. Ушбу масала бўйича жорий йилнинг биринчи чораги якунида ҳисобот беришни сўрайман.**

Шуни таъкидлашимиз керакки, кичик ва хусусий бизнеснинг кенг ривожланишида бир қатор тўсиқларга дуч келинмоқда. Одамларда тадбиркорлик билан шуғулланиш иштиёқи сўнишига аввало маъмурий рэкет, текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги, ишбилармонларни устингдан жиноий иш қўзғатаман, деб қўркитиши, зўравонлик қилиши асосий сабаб бўлмоқда.

Аниқланган ҳар бир ғайриқонуний бундай хатти-ҳаракат фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланиши ва жиддий кўриб чиқилиши керак.

Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шаънига доғ тушираётган нопок, худбин ва ғаразгўй кимсалардан кескин тарзда халос бўлиш лозим. Афсуски, бундай ноҳуш ҳоллар учраб турибди. Айрим мисолларни келтириш ўринли, деб ўйлайман. Фарғона вилояти Данғара тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори Ф.Соҳибов тадбиркор Г.Тоштемировадан ойлик ҳисоботни қабул қилиш чоғида пора олгани учун қўлга олинган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Маргилон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган А.Султонов "Мебель" фирмаси директорини тафтиш ўтказиш билан қўрқитиб, пора олиш мақсадида таъмагирлик қилаётганида қўлга олинган ва шаҳар суди томонидан жиноий жавобгарликка тортилган.

Бунга ўхшаш мисолларни Тошкент шаҳри, Самарқанд, Тошкент, Жиззах, Сирдарё ва бошқа вилоятлардан ҳам келтириш мумкин. Ҳар бир бундай қонунбузарлик ҳоллари кенг жамоатчиликка маълум қилиниши керак.

Тадбиркорларнинг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳўжалик судларининг ролини сезиларли даражада ошириш талаб этилади. Чунки судлар томонидан айрим жиноий ишларнинг асоссиз очилгани учун ёпиш ҳоллари учрамоқда.

Масалан, Миробод туман суди мазкур туман солиқ инспекциясининг текширув акти ва қарори асосида Тошкент шаҳар прокуратураси "Рута" саноатсавдо фирмаси директорига нисбатан қўзғатган жиноят иши бўйича қўйилган айбловнинг барча бандларини ноқонуний деб топган. Солиқ инспекцияси ходимларига нисбатан эса хусусий ажрим чиқарган.

Давлат мулк қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, Бизнес-фонд каби тадбиркорликни ривожлантириши рағбатлантириш мақсадида махсус ташкил этилган тизимлар фаолиятига тааллуқли жиддий эътирозлар мавжуд. Уларнинг иши бизни мутлақо қониқтирмайди. Бу тизимлар ёки бутунлай ишламайди ёки, бундан ҳам ёмони, уларнинг ўзлари бюрократик идораларга айланиб қолган. **Бунинг илдизига етиш вақти келди.**

Айтилганлардан хулоса чиқариб, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат комиссияси мутлақо фаолият кўрсатмаганини таъкидлаш зарур. Қисқа муддат ичида бу комиссия таркибини қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш лозим.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни амалдаги қонунлар ва меъёрларга риоя қилган ҳолда ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ барча масалаларни кечиктирмай ҳал этиш зарур. Бунда асосий мутасаддилик вазифасини мазкур Ҳукумат комиссиясининг ишчи органи сифатида Ўзбекистон Адлия вазирлиги зиммасига юклаш лозим, деб ҳисоблайман. **Негаки, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини қонунсизликдан ҳимоя қилиш фавқулодда муҳим вазифа бўлиб турибди.**

Тўртинчи. Биз учун муҳим бўлган яна бир масала хусусида алоҳида тўхталмоқчиман. **Гап иқтисодиётга чет эл инвестициясини жалб қилиш ҳақида бормоқда.**

Мен яна бир карра таъкидламоқчиман. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, аниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Бусиз кучли рақобат шароитида жаҳон бозорларига кириш ва улардан мустаҳкам ўрин эгаллаш амримаҳол.

Мамлакатимизда бугунги кунда хорижий сармоядорлар учун энг қулай инвестиция муҳити барпо этилган. Шуни очиқ айтишимиз керакки, бу қулайлик ўз самарасини бермоқда. Кўплаб чет эл компания ва банклари биз билан шериклиқда ишлаш, ўз маблағларини иқтисодиётимизга ётқизиш истагини билдирмоқда, бизни ўзлари учун истиқболли хамкор деб тан олмоқда.

Ўзлаштирилаётган чет эл сармояси ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бораётгани бунинг яққол тасдиғидир. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг устувор тармоқларида 1 миллиард 324 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл сармояси ўзлаштирилгани бор ҳақиқатни айтиб турибди. Мамлакатимиздаги барча капитал қўйилмаларнинг 24 фоизини чет эл сармояси ташкил этаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Келинглар, шу ўринда ўзимизга бир савол берайлик. Мамлакатимизга чет эл сармояси янада кўпроқ келиши ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун ҳаммамиз ҳам қўлимиздан келадиган барча ишни қиляпмизми? Чет эллик сармоядорлар билан керакли даражада фаол ишляапмизми? Бу борада барча зарур шарт-шароит яратилганми?

Афсуски, хорижий сармояларни жалб қилиш ва истиқболдаги сармоядорлар билан ишлашни ташкил этишда бизда кўплаб ҳал этилмаган муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Акс ҳолда, 1999 йилда ҳукумат кафолати асосида ажратилган хорижий сармоя ва кредитларни ўзлаштириш кўзда тутилганига нисбатан амалда атиги 53 фоизни, бевосита йўналтирилган инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бор-йўғи 32 фоизни ташкил этганини қандай изоҳлаш мумкин?

Чет эллик сармоядорлар билан иш олиб боришдаги сансалорлик, кўзбўямачилик ва ҳатто ошкора таъмагирлик ҳолатларининг ҳамон учраб туриши бизни қаттиқ ташвишга солади. Шундай фактлар ҳам маълумки, сармоя лойиҳасини ишлаб чиқаётганда айрим уддабурон кимсалар самарадорлик ва лойиҳанинг валюта қийматини қоплаш тамойилига амал қилиш ўрнига, ўз шахсий, ғаразли манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўймоқда.

Мен, ким қайси лавозимни эгаллаб турганидан қатъий назар, маҳаллий раҳбарлардан тортиб юқори Ҳукумат даражасидаги ташкилот раҳбарларигача, барча-барчани огоҳлантириб қўймоқчиман: биз бу иллатга қарши шафқатсиз кураш олиб борамиз, уни таг-томири билан қуритиб ташлашга қурбимиз етади. Бу борада ҳеч кимга шафқат қилинмайди. Биз учун мамлакатимизнинг шаъни-шарафи, қадр-қиммати ва обрў-эътибори ҳамма нарсадан афзалроқдир.

Вазирлар Маҳкамасининг мажмуа раҳбарларидан, ташкилотлар бошлиқларидан қайта ва қайта сўрамоқчиман: қачонгача биз ишга бундай масъулиятсиз муносабатда бўламиз, қачонгача ҳафсаласизлик ва сусткашлик қиламиз? Нега ҳалигача лойиҳаларни техник иқтисодий жиҳатдан асослаш бўйича иш олиб борадиган профессионал лойиҳа-инжиниринг компаниялари тизими яратилмаяпти? Нега ваколатли идораларда техник иқтисодий асосланган лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш муддатлари чўзиб юборилмоқда? Нима учун инвестиция лойиҳалари бўйича ишловчи тизимни малакали кадрлар билан таъминлашда сусткашлик қилинмоқда? Бунинг учун ким жавоб беради? Ахир, айнан мана шу ҳолат инвестиция жараёнида тўсиқ-ғов бўлиб турибди-ку! Вазирлар Маҳкамасининг тегишли тузилмалари бу саволларга жавоб топишлари керак.

Бизни чет эл капитали иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш борасидаги ишлар ҳам қониқтирмайди. Бу соҳада хўжакўрсинлик ҳолатлари жуда кўп. Биз аксарият ҳолларда бундай корхоналар сони кўпайгани, бугунги кунда 3,5 мингтага етгани тўғрисидаги статистик маълумотлар билан мағрурланиб юрамиз.

Келинглар, бу корхоналар қандай фаолият кўрсатаётгани, нима ишлаб чиқараётгани, уларнинг ҳудудлар бўйича қандай жойлаштирилганига танқидий баҳо берайлик. Амалда бу корхоналарнинг атиги 52 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Шундан бор-йўғи 592 таси ёки 31 фоизигина ишлаб чиқариш корхоналари экани бизни ташвишга солмай қўймайди.

Бунинг устига қўшма корхоналарнинг аксарияти йирик шаҳарларда барпо этилган. Мисол учун, республикамизда фаолият кўрсатаётган ва ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналарнинг тўртдан уч қисми Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида жойлашган. Кўпгина туманларда, хусусан, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда ёса бундай қўшма корхоналар ё умуман қурилмаган ёки бори ҳам бармоқ билан санарли экани ачинарли ҳолдир.

Республикамиздаги 163 та қишлоқ туманининг 52 тасида биронта ҳам қўшма корхона ташкил этилмаганига қандай чидаш мумкин? Қорақалпоғистон Республикасидаги 15 та қишлоқ туманининг 11 тасида биронта қўшма корхона тузилмаганини қандай изоҳлаш мумкин? Сирдарё вилоятида – 8 та, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида – 5 тадан, Сурхондарё вилоятида — 4 та туманга ҳали чет эл капитали мутлақо кириб бормаганига нима дейиш мумкин?

Айниқса, аҳолини иш билан таъминлаш кескин муаммо бўлиб турган туманларда маҳаллий раҳбарларнинг, энг аввало, ҳокимликларнинг фаолиятсизлиги туфайли қўшма корхоналар ташкил этилмаётгани жиддий ташвиш туғдиради ва кишини ранжитади. Улар янги иш ўринлари очиш учун маблағ йўқлигини рўкач қилади-ю, аммо чет эл сармоясини жалб этиш, замонавий, ихчам қўшма корхоналар ташкил этиш тўғрисида мутлақо бош қотирмайди.

Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси ўта муҳим бўлиб тургани ҳолда биронта қўшма корхона ташкил этилмаган Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Қўнғирот, Чимбой, Қашқадарё вилоятининг Касби ва Нишон, Навоий вилоятининг Нурота ва Навбаҳор, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Сурхондарё вилоятининг Олтинсой, Сирдарё вилоятининг Боёвут, Мирзаобод ва Ховос, Фарғона вилоятининг Бувайда, Учқўприк ва республиканинг бошқа бир қатор туманлари ҳокимлари қаёққа қарамоқда?

Шуни қатъий айтаманки, агар бу раҳбарлар ана шу вазиятдан чиқиш йўлини топмаса, ўзлари эгаллаб турган лавозимларда қолишга маънавий жиҳатдан ҳақи йўқ.

Хорижий сармоядорларнинг республикамизга келиб, ўзлари ҳамкор излаётгани, шу мақсадда махсус бизнес-семинарлар ўтказаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз. Биргина сўнгги икки йил мобайнида шундай семинарлар Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятлари ҳамда Фарғона водийсида бўлиб ўтди. Минг афсуски, улар биздаги бефарқлик, тўрачилик, боқибеғамлик каби иллатлар туфайли бирон-бир натижага эришса олмай қайтиб кетишмоқда. Хўжакўрсинлик учун олиб борилаётган бундай тадбирлар ҳеч кимга керак эмас.

Қуйидаги мисолнинг ўзиёқ буни тасдиқлайди. Италиянинг "Фата групп" компанияси, бир неча йилдирки, Тошкент вилояти ҳокимлиги билан агросаноат мажмуи дастурини амалга ошириш бўйича иш олиб бормоқда. Ушбу лойиҳа 1999 йил Инвестиция дастурига киритилган эди.

Италия томони ҳозирнинг ўзидаёқ 50 та техник иқтисодий асосномаларни ишлаб чиқиш ва уларни пул билан таъминлаш, халқаро экспертларга ҳақ тўлаш, италиялик мутахассисларнинг 35 марта мамлакатимизга келиб-кетиши, ҳокимлик ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг Италия корхоналарида бўлиши учун катта маблағ сарфлади. Лекин ҳанузгача тайинли бир натижа йўқ.

Асло тоқат қилиб бўлмайдиган бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Барча поғоналарда ишни шундай ташкил этишимиз керакки, Ўзбекистонга қизиқиш билан қараётган биронта чет эллик сармоядор мамлакатимиздан инвестиция киритиш учун аниқ таклифлар олмасдан, ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетмасин.

Бешинчи. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига **хизмат қилувчи инфратузилма етарли даражада ишламаяпти.** Бозор институтлари расман ташкил этилган бўлса-да, аммо яхлит, ўзаро уйғун, энг муҳими, амалий фаолият кўрсатувчи бозор инфратузилмаси ҳали яратилгани йўқ. Бугун биз мавжуд бозор тузилмалари ҳали такомилига етмагани, иқтисодиётни бошқаришнинг кўплаб вазифаларини ўз зиммасига олишга тайёр эмаслигини тан олишга мажбурмиз.

Инфратузилма йўналишларининг қайси тармоғини олманг – у суғурта соҳасини, лизинг соҳасини, аудит соҳасини – барчасида аҳвол қониқарли эмас.

Мисол учун, **суғурта соҳасини** олайлик. Шу нарса аниққи, бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, кичик ва хусусий бизнес вакиллари, қишлоқ товар ишлаб чиқарувчилари такомиллашган суғурта тиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

«СОҒЛОМ АВЛОД» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Соғлом авлодни тарбиялашга, юксак умуминсоний қадриятларга асосланган ҳаётий ўрнига эга бўлган маънавий бой, ахлоқан етук, интеллектуал ривожланган, юқори билимли, жисмонан бақувват, ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларга:

соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш учун шарт-шароитларни такомиллаштиришга;

давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, таълим олиши ва ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитларни яхшилашга;

«Меҳрибонлик» уйларида, мактаб-интернатларда ва ихтисослаштирилган мактабларда тарбияланаётган болаларга давлат томонидан ёрдамни кучайтиришга;

ижтимоий тафаккурда етук, ҳар томонлама камол топган ва соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши учун юксак масъулият психологиясини шакллантиришга, соғлом авлоднинг туғилиши ва тарбияланиши масалалари бўйича аҳолига ялпи билим бериш тизимини яратишга йўналтирилган «Соғлом авлод» давлат дастури тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, «Соғлом авлод» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларни, уларнинг аҳамияти ва кўламларини, сарф-харажатлар ҳажмларини ва ижтимоий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, амалга ошириш 2000 йилда ва кейинги йилларда тегишли ресурслар билан таъминланиши керак.

Давлат дастури топшириқларининг унда белгиланган муддатларга мувофиқ сўзсиз бажарилиши учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чора-тадбирларни кўриш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш вазирликлар, идоралар, ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари ҳар бир раҳбарининг муҳим инсоний бурчи деб ҳисоблансин.

3. «Соғлом авлод» давлат дастурини бажаришга доир ишларни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Республика комиссияси тузилсин.

Республика комиссияси зарурият бўлганда Давлат дастурининг тегишли йўналишлари бўйича олимлар, мутахассислар ва жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузсин ва жойларда дастурий чора-тадбирларнинг амалга оширилиши бўйича ишларнинг ҳақиқий аҳволи ўрганилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси котибияти Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда «Соғлом авлод учун» жамғармасида жамланаётган молиявий маблағларнинг миқдорлари ва манбаларини танқидий баҳолаб чиқсинлар ва бир ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

Жамғармани «Соғлом авлод» давлат дастурини амалга ошириш бўйича Жамғармага юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайдиган миқдорларда зарур молиявий манбалар билан тўбдан мустаҳкамлаш;

вилоятларда Жамғарма филиалларини ташкил этиш, уларнинг тегишли моддий-молиявий базасини яратиш;

Жамғармани ва унинг ҳудудий филиалларини, биринчи навбатда бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг, ҳомийлик маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган муддатларда тасдиқлашга киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва компаниялар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор органлар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Соғлом авлод» давлат дастурининг бажарилишини кўриб борсинлар. Йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича йил чорагидан кейинги ойнинг 5-кунигача — Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот даврида Давлат дастури топшириқларининг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

7. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари қабул қилинган «Соғлом авлод» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтириб берилишини таъминласинлар.

Марказий телевидениеда ва вилоятлар телевидениеларида ҳамда Тошкент шаҳар телевидениесида «Соғлом авлод» бу бизнинг келажагимиз» махсус мунтазам кўрсатувини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Уни тайёрлашга юқори малакали мутахассислар, шифокорлар, психологлар, ота-оналар, тарбиячилар, ёзувчилар, журналистлар, соғлом авлод муҳофазасига дахлдор барча кишилар жалб этилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 февраль

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

БУНДАН БИР ЙИЛ МУҚАДДАМ, 1999 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛЬ КУНИ Тошкентда содир этилган фожиали воқеалар миллион-миллион кишилар қалбини ларзага солди. Бир тўда қора ниятли кишилар томонидан уюштирилган суиқасд биргина Юртбошимизга эмас, балки азиз Ватанимизга, узоқ йиллар йўқотиб сўнг топилган Мустақиллиққа нисбатан қилинган суиқасд, тажовуз эди.

Ўша куни ана шу террорчилик сабаб ҳаётдан бегуноҳ кўз юмган ватандошларимиз, ўнлаб тошкентликларнинг оилалари қайғу-мотам оғушида қолганликлари ҳаммамизнинг ёдимизда. Халқимиз табиатига мутлақо ёт бўлган сиёсий, диний экстремизм, ақидапарастлик ва ёвуз оқимларнинг минтақамизга кириб келиши ва тарқалиши тинчлигимиз ва осойишталигимизга катта хавф туғдиришини Юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаб, доимо бизларни огоҳликка даъват этиб келаётганликлари замирида катта маъно ва ҳақиқат ётибди. Бинобарин биз доимо огоҳ бўлишимиз, ўтган йилги 16 февраль воқеалари бизга доимо сабоқ бўлиши, фарзандларимизни ёвуз оқимлардан доимо асрамоғимиз даркор. Шу кунларда пойтахтимизнинг барча гўшаларида "ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ" мавзуида бўлиб ўтаётган йиғилишлар ҳам юртимизда тинчлик ва хотиржамликнинг барқарор бўлишига, ақидапарастлик сингари оқимларга янглишиб кириб қолган баъзи ёшларимизни бу йўлдан қайтаришга қаратилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Бинобарин Президентимиз таъкидлаганларидек, "БИЗ ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ҲЕЧ КИМГА БЕРИБ ҚЎЙМАЙМИЗ". Чунки келажагимиз ана шу фарзандларимиз қўлидадир.

Февраль сабоқлари

ВАҲҲОБИЙЛИК ВА «ҲИЗБУТ-ТАҲРИР»

Февраль сабоқлари юртдошларимизни доим огоҳ ва сергак бўлишга ундаётгани бежиз эмас. Баъзи ёшларимиз онгини заҳарлашга уринаётган "Ҳизбут-таҳрир", Ваҳҳобийлик каби экстремистик оқимлар фаолияти ҳаммага маълум. Хўш, аслида "Ҳизбут-таҳрир" ва Ваҳҳобийлар ким? Бу ташкилотлар оқим сифатида қандай юзага келган? Булар қандай ақидаларни илгари суради? Мақсадлари нима ўзи?

«Тошкент оқшоми"га муштарийлардан келаётган мактубларда ана шу саволлар ботбот такрорланмоқда. Таҳририятимиз ана шу мактубларга жавоб тариқасида сиз, азиз муштарийлар эътиборига қуйидаги мақолани ҳавола этмоқда.

Инсоният тарихининг энг қора кунларида улусни ёруғликка олиб чиқувчи нурли таълимотлар нозил бўлган. Ислом шуларнинг энг мўътабари. Турли халқлар қисматида у турлича жилва қилади, қадим Туркистонда у булутлар кўмиб юборган, сўнг яна кўриниш бериб, мунаввaрлик улашган офтоб янглиғ муқим яшаб келади.

Шундай даврлар бўлганки, арабларда ахлоқсизлик тамоми авжга чиққан. Инсоф ва диёнат орадан кўтарилиб, майпарастликка муккадан кетишган. Бутга сиғинишган. Фарзанд қиз туғилса, уни тириклайин ерга кўмиш одат тусига кирган. Жаҳолат қутқусида Яман ҳукмдори Абраҳа Каъбани бузишга чоғланган ва ўзи балога гирифтор бўлган. Орадан 45 кун ўтгач, Муҳаммад алайҳиссалом дунёга келган. "Муҳаммад алайҳиссалом бизни олийжаноб бўлишга ундади, — дейди ҳазрати Жаъфари Содиқ, — ягона Аллоҳга сиғинишга, рост гапиришга даъват этди".

Исломнинг моҳияти шу. Унинг замирида Ҳидоят, яъни тўғри йўл ётади.

Лекин ҳар ким уни ҳар хил талқин қилади. Табиатан одам боласи дунёни ўзининг қаричи билан ўлчайди. Шунинг учун ҳам гарчи Ислом муқим турган бўлсада, дарахт ildизидан чиққан ниҳолдай турли қараш ва турли оқимлар пайдо бўлган, айрим ҳукмдорлар эса салтанатни қўлга киритиш ниятидаги саъйи-ҳаракатини ислом воситасида ниқоблади ва алал-оқибат улар муқаррар суръатда мўминларни гуруҳ-гуруҳларга ажратиб ташлади.

Шундай оқимлар борки, уларнинг тутуми бунинг тамоман акси динга сиёсий тус берган ҳаракатлардан бири ваҳҳобийлардир.

Хўш, улар ким? Оқим сифатида қандай юзага келган? Қандай ақидаларни илгари сурган? Мақсад моҳияти нима?

Ваҳҳобийлик — диний-сиёсий оқим. У XVIII асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни "тозалаш" гўёки пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш каби ғояларни илгари сурган. Инглиз колониализми бу вазиятдан ўз мақсадида фойдаланган: уларни қуроллантириб, Усмонли туркларга қарши жангга ташлаган. Шунинг учун ҳам улар Усмонлилар мансуб бўлмиш ҳанафий мазҳабини кофир мазҳаби деб эълон қилишган. Қарангки, қандайдир доиралар манфаати йўлида исломдаги ўз биродарларини кофирга чиқаришгача бориб етишган.

Ваҳҳобийлар дунёвий маданиятга қатъий қарши туриб, мусиқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланиш, бадиий завқ-шавқ олиш кечирилмайдиган гуноҳ деб ҳисоблашади. Айни пайтда улар ҳокимиятни эгаллаш ва унинг воситасида ўз тартиб-таомилларини ҳаётга тадбиқ этиш учун қатъий кураш олиб боришди, фақат бу ниятни амалга ошириш учун диндан восита сифатида фойдаланишади холос.

Ваҳҳобийлар ҳаракати тарихда қолдирган қонли излар ҳақида истаганча мисол келтириш мумкин... Маълумки, Ислом дини ҳамжиҳатликка, Аллоҳ йўлида бир бўлишга даъват этади. Замонлар ўтиши билан бу бирдамлик айрим давлатларга ёқмай қолди, тўғрироғи, улар мусулмонлар якдиллигидан ҳайиқа бошладилар. Бир четда туриб қурол кучи билан араб давлатларига таҳдид солиш ҳеч бир фойда бермагач, қандай қилиб бўлмасин, мусулмонларни ичидан бузишга, низо чиқариб уларни бўлиб юборишга ҳаракат қилишди. Бу вазиятда мавжуд мазҳаблар ичида низо чиқариш имконияти қўл келди. XVII асрда исавийлар ҳозирлаган дастурлар асосида гўё исломга эътиқод қўйган болалар Туркия, Қоҳира, Миср ва Сурияга юбориб ўқитилди. Улардан эса уламолар етишиб чиқди, бу олимлар ўзлари олган таълим-тарбиядан келиб чиқиб исавийлар мафкурасига хизмат қилди.

Шундай кайфият кишиларини уюштиришда Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб даъватлари етакчилик қилди.

Ваҳоланки, ҳеч ким пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларини ўзича талқин қилишга, уларни манфаатларига мослаштиришга ҳақли эмас. Ислом олимларининг таъкидлашларича, Расули акрам "Ҳар бир янгилик залолатдир" деганларида ибодатдаги янгиликни назарда тутганлар. Зинҳор базинҳор дунёвий янгиликни, тараққиётни эмас.

Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб 1703 йили қози оиласида туғилган. Диний таълим олган бўлсада, бирон бир мазҳабни тан олмаган. У динни пайғамбар давридаги "асл ҳолатига" келтириш лозим деган ниқоб остида ҳаракат қилар ва шу йўлда курашар эди. Ҳар қандай янгиликни бира тўла рад этар, ислом мустаҳкамланишига хизмат қилган азизлар эъзозланиши, уларнинг қабрлари зиёрат қилинишига тамомила қарши эди. Тағин у замондошларини мусулмонликдан чекинган, дахрий тушунчалар олдида таслим бўлган, улар жоҳилия давридаги кўпхудолик кофирлардан ҳам зарарли мунофиқлардир, деб ҳисобар эди.

Абд ал-Ваҳҳоб биринчи амалий қадамини саҳоба Зайд ибн-ал-Хаттобнинг Жубайлидаги сағанаси устига қўяди ва уни ер билан яксон қилади.

1803 йил ваҳҳобийлар Маккани, кейин Мадина шаҳрини босиб олишди. Улар шу даражага бориб етишдики, Маккаю Мадинадаги барча қабр тошларини бузиб, ҳатто Биби Ойша, Биби Фотима ва саҳобалар сағанасидаги қабр тошларини синдириб ташлашди. Улар пайғамбаримиз мақбарасидан гумбазларни бузишга чоғланган бир пайтда куч билан тўхтатиб қолинди. Ҳатто улар 1810 йилга келиб, Муҳаммад алайҳиссаломнинг муборак масжидини ҳам талон-тарож қилишди.

Ниҳоят Аллоҳ таоло ваҳҳобийлар юзидаги пардани кўтарадиган кун етиб келди. 1802 йилнинг 20 апрелида улар 12 минг қўшин билан жўҳкисдан имом Ҳусайн мақбарасига ҳужум уюштиришди. Мақбара олтин сув юритилган ғиштдан қад ростлаган бўлиб, аслида уларга шу керак эди. Ғиштларни, қимматбаҳо тошларни, мақбара гумбазидаги тилло безакларни кўчириб олишган. Молу-мулк талонган. Бундай қабоҳатга чидай олмай қарши чиққан мўйсафидлар, аёллар, ҳатто болалар шафқатсизларча қириб ташланган. Карбалода талон-тарож саккиз соат давом этган, демак саккиз соат қирғинбарот тинмаган. Тўрт минг одам қиличдан ўтказилган. Ж. Раймоннинг ёзишича, Карбалода тўкилган қон дарё бўлиб оққан, ваҳҳобийлар ҳатто унинг ичида кечиб юришган.

"Улар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларни содир этишди. Қариялар, болалар, аёллар — барча-барчаси қароқчилар томонидан қатли ом қилинди. Яна шуниси ҳам борки, ҳомиладор аёлга кўзи тушиб қолса, ваҳҳобийлар шу заҳоти унинг қорнини ёриб ташлашган ва ҳомила онанинг қорнида қонига беланганича қолдирилган... Улар қанчалик қутуриб, шунчалик беаёв ёвузликка қўл уришганлигини ҳатто ақлга сиғдира олмайсиз..." — деб ёзади бу воқеаларга шоҳид бўлган Ж. Раймон ўз билдирувида.

Бир йил ўтиб тағин шундай разолат такрорланган. Бу гал ваҳҳобийлар имом Ҳасаннинг мақбарасини талашган. Ва яна икки минг мўмин қириб ташланган.

Кишини ҳайрон қолдирадиган томони — шунча хунрезликдан кейин ҳам улар мунофиқлик билан биз одамларни қабрга сиғинишдан қайтармоқчи эдик, дейишган. Улар, оят ва ҳадисдан ўзимиз маъно чиқариб оламиз, бизга мазҳаб ва мазҳаб эгалари керак эмас дегувчилардир.

Ваҳҳобийликнинг пайдо бўлиши ва моҳиятининг қисқа тарихи ана шундай. Хўжайинлар ўзгарса-да, уларнинг махсус хизматлари ашаддий экстремизм ва фанатизм кўринишидаги ваҳҳобийликни кучайтириш ва авж олдиришга алоқадордир.

Исломдаги яна бир ноанъанавий реакцион-экстремистик оқим бу — "Ҳизбут-таҳрир ал-Исломий" диний-сиёсий тузилмасидир. Унинг таржимаси арабчадан "Ислом озод қилиш партияси"дир. Бу партияга шайх Тақийитдин Набаҳоний 50-йилларнинг бошларида асос солган. Байтул Мақдис шаҳрида "Халифалик" мусулмон давлатини тиклаш мақсадини кўзлаган бу диний ташкилотнинг илк бўлинмаси тузилган эди.

"Ҳизбут-таҳрир" тарафдорлари кўпгина мусулмон давлатлари, жумладан, Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва бошқаларда ўз фаолиятларини яширин олиб бормоқдалар.

"Ҳизбут-таҳрир" тузилма жиҳатидан пирамида кўринишида ташкил топган. Ҳар бир гуруҳ алоҳида алоҳида бўлиб, 5-6 кишидан иборатдир. Бу ҳол мазкур оқим асосчиларининг фикрича, фош бўлиш имкониятини мумкин қадар камайтиради. Гуруҳларнинг ўқув ишига "мушриф" раҳбарлик қилади. Бундан ташқари гуруҳда яна бир раҳбар — "амир" бўлиб, у "мушриф"га машғулотларни ўтказишда бевосита ёрдам кўрсатиб, кейинги йиғин жойларини белгилайди.

"Партия" амалдорларидан бири Муҳаммад Абдуллатиф Увайзнинг "Исломий даъватни ёйиш — вазифалар ва сифатлар" китобида келтирилган қуйидаги фикри "таҳрирчи"ларнинг стратегия ва тактикалари моҳиятини ғоят яққол очиб беради: "Бошланғич даврда партия кейинчалик унинг ғояларини тарғиб эта оладиган шахсларнинг тегишли диний таълими билан шуғулланган. Бу шахслар онги ва фаолиятида ислом руҳи шакллана бошлагач, партия уларни ушбу ғояларни одамлар орасида тарғиб этишга даъват қилди. Натижада, улар жамиятдаги маънавий ва сиёсий курашга аралашдилар. Иш шу даражага бориб етгач, давлатлар раҳбарлари партияга қарши "уруш" очдилар ва шу аснода унинг кўпгина тарафдорлари қамоққа олиндилар. Лекин шунга қарамай, Аллоҳга таяниб, партия ўз фаолиятини давом эттирмоқда".

Олинган маълумотлар ҳамда Республикамизда суд жараёнларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 1992 йилдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида махфий равишда фаолият кўрсатаётган "Халифалик" шаклидаги ислом давлатини, жумладан ҳокимиятни куч ишлатиш йўли билан қўлга олишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган реакцион диний-сиёсий "Ҳизбут-таҳрир" ташкилотининг бошланғич бўлинмалари ташкил этила бошлади.

Масалан, Хоразм вилояти ҳудудида содир этилган жиноятларга дахлдор бўлган (1998 йил декабрь) Б. Маҳмудовнинг турар жойи тинтув қилинганда, "Жиҳод" ва партизанлар уруши олиб боришга оид рисола ва қўлланмалар билан бирга "таҳрирчилар" фойдаланадиган адабиётлар ҳам топилган.

Аввалги "таҳрирчи"лар сафига кириш оддий ишлардан эмас эди. Бу этапда таълим олувчиларнинг асосий қисмини бошланғич диний маълумотга эга бўлган шахслар ташкил этган.

Партия сафига кирувчилар ўз партиялари ҳақидаги маълумотларни ҳеч қачон ошкор этмаслик тўғрисида Қуръон билан қасам ичадилар. Мавжуд маълумотларга кўра, "таҳрирчи"лар ўз тарафдорларини зиёлилар, илмий ходимлар, талаба ёшлар орасидан танлайдилар. Бунда танланаётганларнинг дунёқараши, фикр юритиш тарзи, мавжуд давлат тузумига муносабатига алоҳида эътибор берилади.

Гуруҳнинг йиғинлар ўтказиладиган жойларини вақти-вақти билан ўзгартириб турадилар. Бунинг учун гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўз уйида машғулотлар ўтказиш учун шароитлар яратиб беради. Тайёргарлик даражаси юқори бўлган шахслар ўқишнинг биринчи босқичини тугатиб, "мушриф" вазифасига тайинланадилар. Улар бир неча гуруҳ фаолиятига раҳбарлик қила бориб, бир вақтнинг ўзида ўзлари ҳам раҳбарлар тайёрлаш гуруҳларида шуғулланадилар, ҳамда ишни ташкил қилиш ва машғулотлар ўтказиш бўйича муайян кўрсатмалар оладилар.

Ўзбекистон ҳудудида 80-йилларнинг ўртасидаёқ "таҳрирчи"лар адабиёти бўлмиш чет элларда нашр этилган ва мамлакатимизда қўпорувчилик мақсадларига қаратилган "Ал-Ваъй" (арабчадан "Онг" деб таржима қилинади) журнали, "Ислом низоми" китоби ва араб тилидаги бошқа рисолаларнинг пайдо бўлгани қайд этилган эди.

"Таҳрирчи"ларнинг юқорида зикр этилган адабиётлар диндорлар онгига ўз фойдаларини кўзлаб таъсир кўрсатишга мўлжаллангандир. Ушбу материаллар малакали, сиёсий жиҳатдан юқори даражадаги билимга эга мутахассислар, ислом радикализми мафкурачилари томонидан тайёрланганлиги шубҳасиздир.

Ҳозирги кунда мазкур партия ташкилотлари асосан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро ва Жиззах вилоятлари ҳудудларида мавжудлиги аниқланган.

Республикамиз ҳудудида ташкил топиб ҳозирда фаолияти деярли тўхтатилган ноанъанавий, муҳими қонунга зид, ислом ақидаларига қарши бўлган диний гуруҳ — "акромийлар" гуруҳидир.

Таъкидлаш лозимки, ислом тарихида мазкур йўналишдаги диний оқим учрамайди. "Акромийлар" тахминан 1996-97 йилларда Андижонда ташкил топди. Гуруҳнинг номи, унинг асосчиси 1963 йилда туғилган, Ўзбекистон диний ақидапарастларининг етакчиларидан бири — Абдували Мирзаевнинг ҳаммаслаги Йўлдошев Акром билан боғлиқ. Гуруҳ аъзолари асосан ҳунармандлардан ташкил топиб, улар расмий ишхоналаридан бўшаб, жамоа маъқуллаган меҳнат фаолияти билан шуғулланганлар.

"Акромийлар" сиёсий ҳокимиятга эришишнинг беш босқичини режалаштирганлар: "сирли", "моддий", "узвий майдон" ва ниҳоят "охират". Тўртинчи ва бешинчи босқичлар тамомила исломлаштириш даври тугагач бошланиши ва очиқдан-очиқ ҳокимият учун кураш босқичлари бўлмоғи лозим эди.

Маълумки, республикамизда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг янгидан қабул қилиниши ҳозирги замон талаби, ҳаёт тақозоси бўлиб, биринчи навбатда, ҳақиқий диний эътиқод эркинлиги ҳимояси учун зарурдир.

Буюк келажагимиз учун, фарзандларимизнинг соғлом эътиқоди учун катта аҳамиятга эга бўлган демократиянинг муҳим шарти бўлмиш виждон эркинлигига оид Қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида улкан воқеа бўлди. Иншоолоҳ, бу дастуруламал Ватанимиз тараққиёти, динимиз равнақига катта хизмат қилади.

Одил РАҲМАТОВ.

Ҳушёрликка даъват

ЛОҚАЙД БЎЛМАНГ, ОДАМЛАР

Аллоҳга беадад шукрки, аждодларимиз орзу қилган истиқлол қунларини кўриш бизнинг замондошларга насиб этди. Мана, юртимиз узра тўққиз йилдирки, озодлик қуёши порламоқда. Юртбошимиз бошчилигида ҳар бир соҳа ривожи учун муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Аммо бу ютуқларни кўролмаётган ичи қора, бахил, ёвуз ниятли кучлар Ўзбекистонда осойишталик бузилишини жуда-жуда хоҳлайдилар. Зеро, ўтган йилнинг февралида содир этилган мудҳиш воқеалар ҳали-ҳамон ёдимиздадир. У бизни мудом ҳушёрликка даъват этмоқда. Мустақиллик бебаҳо неъмат эканлигини ҳис этиш ва бу неъматни асраб-авайлаш, ёш авлод вакиллари бўлмиш ўсмирларимизни диний экстремистик кучлар таъсиридан омон сақлаш бугунги кун сиёсатининг муҳим омилидир.

Сир эмаски, айрим маҳаллаларда яшаб истиқомат қилаётган диний, дунёвий илмдан бехабар баъзи ёшларимиз ўзлари билиб-билмай "Ҳизбут-таҳрир" ва ваҳҳобийлик реакцион оқимлари таъсирига тушиб қолмоқдалар. Шу боис ёшларимизни ёвуз кучлар таъсиридан асраш ва маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш келажагимиз учун муҳим омил эканлигини Президентимиз Ислом Каримов қайта-қайта таъкидлаётганлари бежиз эмас.

Яқинда Юнусобод туманининг "Янгиобод" маҳалласидаги 246-мактабда ўтказилган "Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш" мавзуидаги тадбирда биз юқорида баён этган фикрлар туман фаоллари томонидан яна бир бор ўз ифодасини топди.

Тадбирда маҳалла фаоллари Аъзам Тўраев, Каромат Азизова, Маҳфират Ҳожиева, 12-мактаб ўқитувчиси Хосият Фофурова, Юнусобод тумани хотин-қизлар қўмитаси аъзоси Адиба Хўжаева, туман ҳокими, Олий Мажлис депутати Шукритдин Пахрутдинов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби Анвар ҳожи Турсунов ва Эгамназар ҳожи Қодировлар йиғилганларга ёш авлодни етук, баркамол қилиб тарбиялаш нақадар муҳим эканлигини, диний экстремизм ва ақидапарастлик нечоғлиқ зарарли иллат эканлигини, шу туфайли фарзандларимизни ёвуз кучлар таъсиридан омон сақлаш нақадар катта аҳамият касб этишини, бу борадаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлигини сўзда эмас, амалда йўлга қўйиш лозимлигини яна бир бор уқтириб ўтдилар. Ушбу тадбирнинг аҳамияти шунда бўлдики, Янгиобод маҳалласида яшовчи, аммо йўлдан адашган айрим ёшлар ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, ота-оналари ва маҳалладошларидан кечирим сўрадилар ҳамда ўз хаталарини меҳнатлари билан оқлашга ваъда бердилар.

Дарҳақиқат, осойишталигимизни кўролмаётган ёвуз ниятли кимсалар ёшларни йўлдан уришда динни ниқоб қилиб ёт ғояни ишга солар эканлар, ғояга ғоя билан, залолатга илм-маърифат билан қарши курашмоқ энг маъқул йўл эканлиги, бепарво, лоқайд бўлмаслик ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлиги тадбир қатнашчилари томонидан яна бир бор таъкидланди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Ҳозирги кунда курраи заминнинг энг нуфузли мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган етакчи спортчиларимиз шу йилнинг сентябрь ойида Сиднейда ўтадиган олимпиада беллашувларига қизғин тайёргарлик кўришаётган бўлса, бошқа спорт усталаримиз саралаш турнирларида муваффақиятли иштирок этиб, олимпиадага йўлланма олиш учун бор куч-маҳоратларини кўрсатмоқдалар. Шуниси эътиборга молликки, шаҳримизда 19–20 февраль кунлари шундай нуфузли мусобақалардан бири – "Гран При" тоифасига кирувчи "Ўзбекистон Мустақиллиги" кубоги учун юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтади. Бу 1999 йил якунлари бўйича Осиё қитъасида умумжамоа ҳисобида ҳам эркин, ҳам юнон-рум кураши бўйича биринчи ўринни қўлга киритган Ўзбекистон курашчилари ютуқларининг халқаро майдондаги эътирофи, мустақил юртимиз спортининг тантанасидир. Биз Ўзбекистон спорт курашлари ассоциациясининг президенти, Осиё кураш федерациясининг вице-президенти, халқаро кураш федерацияси – FILAнинг илмий маслаҳатчиси, педагогика фанлари доктори Аҳрол Рўзиев билан учрашиб, шаҳримизда ўтказиладиган олимпиадага саралаш мусобақаси, унда иштирок этувчи Ватанимиз спортчилари, умуман ўзбек курашчиларининг Сидней баҳсларига тайёргарлиги тўғрисида суҳбатлашдик.

Воқеа арафасида

ЎЗБЕК КУРАШЧИЛАРИ ОЛИМПИАДАГА ШАЙЛАНМОҚДА

– Аҳрол Аҳмедович, шаҳримизда 19–20 февраль кунлари бўлиб ўтадиган юнон-рум кураши бўйича "Ўзбекистон Мустақиллиги" кубоги баҳсларининг нуфузи, унда иштирок этадиган давлатлар ва юртимиз спортчиларининг тайёргарлиги тўғрисида тўхталиб ўтсангиз.

– Шуни қувонч билан таъкидлашни истардимки, мана учинчи йилдирки, юнон-рум кураши бўйича "Мустақиллик Кубоги" баҳслари энг нуфузли мусобақалар қаторига кирувчи "Гран При" тоифасига киритилган. Эркин кураш бўйича ҳам, юнон-рум курашида ҳам жаҳон бўйича ҳар йили ўтказиладиган бундай тоифадаги мусобақалар бармоқ билан санарлидир. Бу йил FILA эркин ва юнон-рум кураши бўйича бештадан олимпиадага саралаш мусобақаларини ўтказишга қарор қилди. Масалан, Италия ва Францияда олимпиадага саралаш турнирлари ўтказилиб бўлинди. Бизнинг мусобақамиз учинчиси ҳисобланади. Сўнг АҚШ ва Мисрда яна икки турнир ўтказилиб, шу беш мусобақа учтасининг юқори натижаларига кўра энг кўп очко тўплаган курашчилар олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритади. Эркин кураш бўйича мусобақалар Белоруссия, Германия, Япония, Мексика ва Мисрда ўтказилади.

Февраль ойигача ўтган вақт ичида Рамил Исломов, Атҳам Очилов, Дамир Заҳардинов ва Сагит Катинавасов каби эркин курашчиларимиз, юнон-рум кураши бўйича эса 58 килограммгача вазнда Дилшод Орипов, 63 килограммгача вазнда эса Баҳодир Курбоновлар жаҳон чемпионатида ўз юксак маҳоратларини намойиш қилган ҳолда Сидней олимпиадасига йўлланма олишди.

Энди бевосита шаҳримиздаги саралаш турнирига тўхталадиган бўлсак, шу кунга қадар 42 мамлакат мусобақаларда қатнашиш истагини билдирди. Ва унда ҳали олимпиада лицензиясини қўлга киритишга улгурмаган ҳар бир мамлакатнинг кучли бешликка кирувчи энг сара полвонларидан 200 нафарга яқини ўз кучларини намойиш этишади. Бу "Мустақиллик Кубоги" баҳсларимизнинг нуфузи нақадар баландлигининг яққол исботидир. Зеро, ҳатто айрим қитъа чемпионатлари каби йирик мусобақаларда ҳам бу қадар катта ва кучли таркиб йиғилмаслиги мумкин. Ҳозирги кунда "Юнусобод" спорт-соғломлаштириш клубида ўтадиган мусобақаларга 54 килограмм вазнда Шамсиддин Худойбердиев, 69 килограммгача вазнда Руслан Диктяков, 76 килограммлилар ўртасида Евгений Ерифайлов, 85, 97 ва 130 килограммлилар орасида Юрий Витт, Александр Чигляков ва Шермуҳаммад Кўзиев ёки Шуҳрат Саъдиев каби юртимиз спортчилари қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг етарлича тайёрланишлари учун "Динамо" спорт залида барча шарт-шароитлар мавжуд.

Ташкилий томондан мусобақаларни ўтказишга барча нарса тахт. Кубоклар, медаллар, эсдалик Кубокларини тайёрлаб қўйдик.

– "Мустақиллик Кубоги"га FILAнинг қайси вакиллари ташриф буюради?

– Халқаро кураш федерациясининг биринчи вице-президенти Рафи Мартинетти (Швейцария) учинчи бор юртимизга келмоқда. Ундан ташқари FILAнинг ҳакамлар ишини мувофиқлаштирувчилари Бранко Симедж (Югославия), Ким Юнг (Жанубий Корея), Нугзар Журули (Россия)лар турнирда қатнашадилар. Барча спортчилар, меҳмонларнинг марокли дам олишлари учун махсус маданий дастур ишлаб чиқилди.

– Курашчиларимизнинг олимпиадага кейинги тайёргарликлари қандай давом этади?

– Юнон-рум курашчиларимиз Пермда россияликлар билан бирга ўқув-машқ йиғинларини ўтказишади. Сўнг март ойида Туркиянинг Измир шаҳрида ўтадиган мусобақаларда қатнашадилар. Эркин курашчиларимиз эса Владикавказда ўқув-машқ йиғинларида ўз маҳоратларини чархлашади. Олимпиадага саралаш мусобақалари март ойида ўз ниҳоясига етади. Май ойида юнон-рум кураши бўйича Жанубий Кореяда, эркин кураш бўйича эса Хитойда бўлиб ўтадиган Осиё чемпионатларида спортчиларимиз қатнашади. Кейин эса сентябрга қадар яна 2–3 тадан мусобақаларда қатнашамиз. Имкониятларимизни чамалаб кўрганда 6–7 нафардан кураш усталаримиз олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ суҳбатлашди.

Муносабат

СЕПЛИСИМИ ЁКИ ЭПЛИСИ?..

Ишдан қайтар эканман автобусдаги икки аёлнинг ўзаро суҳбати беихтиёр эътиборимни тортди.

— Эътиборхон айтган хонадонга совчиликка бордингизми, Мастура опа?

— Ҳа, бордим, — энсаси қотгандай жавоб қилди иккинчи аёл.

— Ёқмадими, Эътиборхоннинг айтишича, оиласи жуда яхши, қиз ҳам ниҳоятда тарбияли, одобли экан-ку.

— Э, шу. Эътиборингиз ҳам оғзига келган гапни айтади-да. Одобли, тарбияли бўлса бордир. Лекин уй-жойи, турмуш-турмуши менга ёқмади.

— Нега? Уйлари бесаранжом эканми? — ажабланди биринчи аёл.

— Ҳа, энди Гулнорахон "Тенг тенги билан..." деган мақолни эшитганмисиз. Тўғри, уйлари тоза, озода, онаси ҳам хушмуомала, кўҳликкина аёл экан. Лекин залига ҳам, коридорига ҳам палос тўшаб қўйибди. Шундай замонда-я, Ҳеч бўлмаса меҳмон киргизадиган уйга гилам солса бўлмайдими, бунинг устига "совчи" кутаётган, бўй етган қизи бўлса.

Аёлнинг гапини эшитиб, тўғриси ғалати бўлиб кетдим. Ахир оиланинг, айниқса ёш оилаларнинг бахти фақат зар билан ўлчанмайдику. Нега буни кўпчилигимиз, айниқса хотин-қизлар тўғри тушуниб етмаяпмиз. Фарзандларимизни ўзлари меҳнат қилиб оила тебратишга эмас, балки тайёрга айёр бўлишга ўргатмаяпмизми?

Автобусдаги бўлажак қайнонанинг гапларидан шу нарсани сездимки, унга эпли эмас, балки қандай бўлса ҳам сепли, бой-бадавлат келин керак. У нафақат келинга қилинажак мол-мулкнинг, балки бўлажак қудасининг уйидаги жиҳозларнинг ҳам ўз дидига мос бўлишини истайди.

— Қизиқсиз-а, Мастура опа?! Ахир сизга қуданинг уйидаги нарсаларнинг нима кераги бор? — деди шу пайт биринчи аёл худди менинг кўнглимдагини сезгандай. — Сиз уларникига ҳар куни келасизми? Ахир юлдузи бир-бирига тўғри келса, аҳил яшашса — шунинг ўзи сизга катта давлат эмасми? Яна ўзингиз биласиз...

— Биттаю битта ўғлим бўлса, албатта, орзу-ҳавас кўришни истайман-да. Келин келиб уйим яна тўлса дейман, бешик тўй, суннат тўйларда қудаларимнинг олиб келганини элга кўз-кўз қилгим келади, ўргилай. Сепли келин кимга ёқмайди дейсиз...

— Ўғлингиз-чи, унга қандай қизлар ёқишини биласизми? Турмуш қурадиган улар-ку...

— Э, ундан сўраб ўтирадиган аҳмоқ бор эканми, мен билан адаси кимни ёқтирсак, ана ўшани олади... Биз унга ёмонини раво кўрармидик?

Жуда тўғри, ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Лекин айрим ота-оналар ўзларини мол-давлатга ўчликлари боис фарзандига бойликдан бахт яратмоқчи бўлишади. Афсуски, кейинчалик ўз ишларидан ўксиниб юришади. Фарзандларимизнинг оиласи мустаҳкам бўлиши учун уларга бахтдан тахт яратмоқ лозим, деб ўйлайман. Йигит ва қиз бир-бирига ҳар томонлама мос бўлсин, кексаларимиз таъбири билан айтганда "Юлдузи юлдузига тўғри келсин". Келин кириб келган хонадонга қўша-қўша қимматбаҳо мебелу гиламлар эмас, аввало файз кириб келишини ният қилмоқ лозимдир. Чунки оиладаги файз бу барака, бойликдир. Билим, ақл-фаросат ва энг муҳими — соғлиқ бўлса, мол-дунё топилади. Сиз нима дейсиз, азизлар? Сизларга сепли келин ёқадими ёки эплисими?

Шарифа ИЛЁСОВА.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА

ЯКШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.30 "Ахборот".
8.30 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.00 Жиззах вилояти хонандаларининг концерти.
9.30 "Ўзбектелефильм" намойиши: "Бухоро".
9.45 "Ғаройибот".
"Умид" намойиш этади:
10.00 "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Табассум кўчаларида".
11.35 "Шоҳруҳ" клуби.
12.05 "Қалбимиз ардоғида". Мусиқий дастур.
12.45 "Озод юрт одамлари". Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.05 Кундузги сеанс: Бадиий фильм.
14.35 "Кўзгу". Тележурнал.
15.05 "Сайқал".
15.25 "Қувноқ стартлар". Телемусобақа.
16.10 "Бўстон". Тележурнал.
16.40 "Истеъдод". Мусиқий дастур.
17.00 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири.
18.00 "Эҳ, айиқ полвон". Мультфильм.
18.10 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
18.35 "Қишлоқ ҳақида ўйлар".
18.55 "Ўзлик". Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "Санъат олами".
20.30 "Таҳлилнома".
21.05 "Якшанба оқшомида". Мусиқий дам олиш дастури.
"Спорт" дастури:
21.45 "Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон республикаси мустақиллик кубоги" халқаро турнири.
22.15 "Интерспорт".
22.30 "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи".
23.40 "ТВ 1 намойиш этади: Телеанонс".
23.55 Кино янгиликлари.
00.10 "Ўзбек киноси ижодкорлари".
00.30 "Икки соҳил — икки тақдир". Бадиий фильм.
2.15-2.20 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 "Давр тонги".
9.00 "Ёшлар" телеканалида.
9.05 "Янги авлод": "Катта танаффус".
9.45 "Мусиқий лаҳзалар".
9.55 "Ғаройиб Аляска". Маърифий дастур.
10.45 "Ёшлар овози".
11.15 "Федерал полиция". Телесериал.
12.00 "Лаззат".
12.20 "Марду-майдон".
12.40 Сиз севган "Байрам" гуруҳи.
13.05 "Цирк, цирк, цирк".
13.25 Болалар учун фильм. "Қувноқ сеҳргарлик".
14.30 "Ойбулоқ". Маҳмуд Намозов куйлайди.
14.50 "Бир пиёла чой устида".
15.10 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт-2000".
16.00 "Эркин фикр".
16.30 "Ёшлар" телеканалида: "Спорт-2000".
17.20 "Мусиқий лаҳзалар".
17.25 "Янги авлод" почтаси: "Уй вазифаси", "Коинот сирлари", "Самовий саргузаштлар". Видеофильм премьераси. 14-қисм.
18.35 "Дам олиш соати".
19.00 "О, ёшлигим".
19.20 "Толеънома".
19.40 Ботир Зокиров қўшиқлари ёш хонандалар ижросида.
20.00 "Давр" ҳафта ичида.
20.40, 21.30 Эълонлар.
20.45 "Федерал полиция". Телесериал.
21.35 "Якшанбада кўришгунча".
21.55 "Садо—99" (5-босқич)
22.55 "Олам футболи".
23.20 "Садо—99" (давоми)
0.20 "Хайрли тун".

ЎзТВ III

8.50 "Соғлом бўлай десангиз".
9.00 "Тонгги пойтахт".
9.45 Болажонлар экрани. "Яшил водий сари".
10.45 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
11.05 "Ёввойи табиат".
11.55 Телегазета "Экспресс".
12.05-13.40 Кинонигоҳ. "Италияликларнинг Россиядаги ғаройиб саргузаштлари".

***

17.55 "Ойнаи жаҳонда".
18.00 XXI аср авлодлари".
18.15 Телегазета "Экспресс". "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.25, 21.10 Эълонлар.
20.30 "Таҳлилнома".
21.15 Эҳтиром ила".
21.35 "Филипп Марлоу". Телесериал. 4-серия.
22.25 "Тасанно".
22.55 "Даллас". Телесериал.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Кинонигоҳ. "Ўн учинчи қаллиқ".
1.40 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 "Тонг" дастури.
10.35 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.15 "Парле ву франсэ?"
12.40 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тили)
12.50 "Фан-тайм" (Болалар учун инглиз тили)
13.00 Кинематограф. "Уйланишни хоҳламайман". Бадиий фильм.
14.20-15.05 "Дўстлик" видеоканали. "Дидар", "Айчурек".

***

17.30 Кўрсатувлар тартиби.
17.35 "Тенгдошлар".
17.55 "Интернет ҳудуди".
18.10 Е.Петросяннинг "Кулги панорамаси" дастури.
18.45 Якшанба премьераси. Мел Гибсон ва Жоди Фостер "Қўзирли туз картаси" саргузашт фильмида.
21.00 "Дил изҳори".
22.15 "Кинопрофи".
22.35 "Бу ажиб дунё".
22.50 Кинематограф. "Ақл чегараси". Бадиий фильм.
1.00 "Таҳлилнома" (рус тилида)
1.30 "Тунингиз осуда бўлсин!"

Жиноят ва жазо

ҚОНСИРАГАН ҚЎЛЛАР

Лекин вақт ўтган эди. Орқа ўриндиқда Краснов билан Бекиров, ҳайдовчининг ёнида Мамбетов сигарет тутатиб борарди. Ҳамма ҳар хил ўй билан манзилга етиб келинди. Мамбетов ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради. Шу пайт орқа томондан ажал ўқи янгради. Рулга қулаган ҳайдовчининг иссиқ жасади бир зумда йўл чеккасига улоқтирилди. Машина дарҳол ўз йўналишини ўзгартирди.

Йўловчилар хабари билан етиб келган экспертлар биринчи навбатда мурданинг шахсини аниқлашга киришиб кетдилар. У Давлат статистика департаментининг ҳайдовчиси Олим Камолов бўлиб чиқди.

Қотиллар ўша куниёқ қўлга киритилган ўлжани Ҳусанбоев ихтиёрига топширишди. "Шеф" эса оз эмас, кўп эмас тўрт кун ичида барча ҳужжатларни расмийлаштириб, "Нексия"ни Рогов деган шахсга 3 минг 300 долларга сотиб юборди. "Пул бўлса, чангалда шўрва", деганлари шу бўлса керак-да.

Инсон табиати қизиқ. У узоқ йиллар етолмаган орзусига эришса-да, барибир у билан чегараланиб қолмайди. Олдинда яна янгиянги уфқлар, режалар пайдо бўлаверади. Шу мақсад йўлида уринади, интилаверади. Лекин бу уринишлар ҳар кимда ҳар хил кечади. Биров орзуга ҳалоллик билан, биров эса нопок йўл билан эришмоқни ният қилади.

Табиийки, қўлга киритилган катта тушумдан гуруҳ аъзоларининг нафси янада ҳаккалак отди. Бугунги ичкилик ва нашавандлик таъсиридан уларнинг ҳаёллари турли кўчаларга кириб чиқди.

— Бир иш бор, — деди қизариб-бўзариб ўтирган Краснов. — Агар шу амалга ошса яна бир шоҳона базму жамшид сизу биздан айланарди-да.

— Деворнинг ҳам қулоғи бор, сал секинроқ-да, — донишмандлик қилди юқорида сузилиб ўтирган "шеф".

Сарак-сарак бошлар бир жойга жамланди. Пичир-пичир бошланди.

— Қойил, шоввоз. Буларнинг ичида марди ўзингсан, — деди келишувдан хурсанд бўлиб кетган Ҳусанбоев Красновнинг елкасига қоқиб.

Сану ман. Навбатдаги операция 26 февралга мўлжалланди.

ҚИДИРУВ ВА ТАҲЛИКА

Кун кезлари анча нотинчлик бўлди. Кетма-кет икки ўлим, иккала қотиллик ҳам бир хил усулда амалга оширилган. Манзили ҳам тайин — Юнусобод.

Ушбу жиноий ишлар шаҳар ва туман Ички ишлар бошқармаси хизматчиларини оёққа турғазди. Ашёвий далиллар ва суд-тиббий экспертиза хулосалари шаҳарда яна бир уюшган жиноятчилар тўдаси фаолият кўрсатаётганини исботлаб берди. Агар улар зуддлик билан қўлга олинмаса, яна қанча-қанча бегуноҳларнинг боши ажал ўқига дуч келиши мумкин. Лекин бу ишни қандай амалга ошириш керак? Чунки қотиллар бирон из қолдирмаган. Ўша марҳумлар ўлимига сабабчи бўлган орқа томондан отилган ўқ изларидан бўлак ҳеч қандай далил йўқ. Қилни қирқ ёриш учун тажрибакор изқуварлар бу ишга жалб этилди. Ахир улар не-не ҳуфёна жиноятларнинг илдизини очишга қодир бўлишмаган. Буниси улар олдида ҳолва-ку.

Мана шундай кунларда Юнусобод даҳасининг 5-болалар шифохонаси яқинидан яна бир кишининг жасади топилди. Текширув фақат ҳайдовчи Рахимьяновнинг шахсини аниқлабгина қолмай, балки унинг ўлими ҳам худди юқоридаги ҳолатда содир бўлганини кўрсатди. Энди буниси ортиқча эди. 25 кун ичида уч қотиллик. Бу жиноятчиларнинг фаол ишлаётганидан далолат.

Яна фикрлар тўқнашуви. Яна таҳлиллар бошланди. Сўнгги қарор шу бўлди. Жиноий гуруҳ аъзолари ҳали ёш, тажрибасиз. Акс ҳолда бундай тезкор усулни қўллашмасди. Эҳтиёт чорасига амал қилиб, воқеалар гирдобини бир жойда эмас, турли манзилларда содир этишарди. Шу йўналишда сўров-суриштирув ишлари бошлаб юборилди.

Қотиллик содир этилган ўша 26 февраль тунида Краснов анча вақтгача ухлолмади. Хаёл уни қаёққадир етаклаб кетди. Гоҳ ўзини арши аълода, гоҳ қора курсида кўрди. Ишқилиб, охири ҳайрли бўлсин-да, агар борди-ю қўлга тушиб қолсалар борми, боши кетиши аниқ. Ахир тўдадаги энг асосий иш — қотилликни биргина унинг ўзи бажаради. Айтинг-айтинг, ўзгалар бошига етган ажал ўқи куни битиб, унинг ўзи билан юзма-юз бўлмасин-да.

Ҳаёлан у ҳадеб охирги воқеани кўз олдига келтираверди. Ўшанда улар кечқурун соат 18 дан 30 дақиқа ўтганда "Кўнгилочар боғи" олдида туришарди. Кейин "Нексия" автомашинасини тўхтатишди. Одатдагидек у Шнайдер билан орқа ўриндиққа, Мамбетов эса ҳайдовчининг ёнидан жой олишди. 5-болалар шифохонаси олдига етганда Мамбетов ҳайдовчидан машинани тўхтатишни илтимос қилди. Шу пайт у ҳозиргина кулгидан ўзини тия олмай келаётган ҳайдовчининг орқа миясини мўлжалга олди.

Бирдан кўзи олдига ўша бегуноҳ ҳайдовчининг ўлим олдидан жон таслим қилиши, даст панжалари билан рулга маҳкам ёпишгани келди-ю бадани сесканиб кетди. Шу аснода кўзи илинди.

Бир вақт қараса, у ўша ҳайдовчи билан баланд тоғ чўққисида сайру саёҳат қилиб юрганмиш. Пастда шарқираб сой оқиб ётибди. Шунда ҳайдовчи тўсатдан Краснов томон икки қадам босди-ю уни тубсиз жарликка итариб юборди. Пастга қулаётган Краснов жон талвасасида додлар, ҳайдовчи эса қаҳ-қаҳ отиб кулар ва ҳадеб: "Қалай экансан, буни қилмишқидирмиш дейдилар, укажон", дермиш.

Краснов бирдан сакраб ўрнидан туриб кетди. Ошхона томон ўтиб, бир пиёла муздек сув ичди. Кўнгли бироз таскин топгандек бўлди. Уй деразасини очиб юборди. Қишнинг совуқ ҳавоси димоғига урилди. Булутли осмонда бирон дона ҳам юлдуз кўзга ташланмасди. Эриниб ётаётган қор, тезлашди.

Унинг юрагига баттар ғулғула тушди. Назарида ҳозир эшик очилади-ю, нариги томонда турган кишилар унинг ажал ўқи тутган қўлларини орқасига боғлаб олиб кетишади. У ўзини босишга ҳар қанча уринмасин, даҳшат борган сари бостириб келарди. Нима қилсин энди? Ўйиндан чиқишнинг эса иложи йўқ.

ХОНАДОН ОПЕРАЦИЯСИ

— Энди гап бундай, шумтакалар. Бугундан бошлаб машина операцияси тамом.

"Шеф"нинг асл мақсадини тушунмаган йигитлар бу сўздан ҳайрон бўлиб қолишди. Нега? Нимага? Қайси хатти-ҳаракатлари "шеф"га ёқмай қолди экан?

— Қўрқманглар, "ишсиз" қолмайсизлар. Фақат маълум муддат йўналишни ўзгартириб турмасак бўлмайди. Аллақачонлар изимизга тушишган бўлсалар керак. Эҳтиёт бўлишимиз лозим. Шунинг учун эртадан бошлаб хонадон операциясига киришамиз. Энди бизга шу усулда тажриба орттирган, оёғидан ўт чақнайдиган ишончли йигитлар керак. Агар шундайлар бўлса мархамат. Гуруҳимизга қўшиб олишимиз мумкин. Улар бизга бадавлат оилаларни танлашда ёрдам беришлари мумкин.

Ҳусанбоев шундай дея ўтирганларга бирма-бир қараб чиқди. Бу таклиф уларга ҳам маъқул тушди чоғи, ҳамма боши билан тасдиқ ишорасини қилди. Бу хусусда баъзи таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Кўпдан кўп оғиз гап. Ҳатто шу куни Ҳусанбоев кўрсатмаси билан хонадон операциясининг биринчи жойи ҳам танланди. У Себзор даҳасида жойлашган 4-уйнинг 167-хонадонида истиқомат қилувчи Лобизевлар оиласи бўлиб чиқди.

Бу жиноий ишни амалга оширишга Краснов, Мамбетов, Шнайдер ва "шеф"нинг ўзи жалб этиладиган бўлди. Албатта, ўғирланган юкларни тезроқ гумдон этиш учун битта машина ҳам еллаш керак эди. Бу вазифа тўданинг янги аъзоси Силка зиммасига юкланди.

Иш ҳамирдан қил суғургандек осон битди. Кундуз соат 15 ларда эшик қўнғироғи жиринглади. Эшикни ёшгина қизча очди. Шу чоқ ичкарига Краснов билан Силка отилиб кирди. Қўлларидаги қурол билан болаларни қўрқитиб, хонадондан ҳаммаси бўлиб 158 минг сўмликдан зиёд пул ва қимматбаҳо буюмларни олиб чиқиб кетишди.

Ўтган йилнинг 5 июлида Себзор даҳасидаги 2-"А" уйнинг 43-хонадонида қотиллик юз берди. Воқеадан хабар топган тезкор гуруҳ жиноят содир бўлган жойга етиб келди. Дастлабки хулоса, суриштирув ва тахминлар шуни кўрсатдики, ўғрилар уй соҳибасини кесма милтиқ ёрдамида отиб ўлдиришиб, унга тегишли бўлган тақинчоқларни ва хонадондаги қимматбаҳо буюмларни олиб кетишган.

Ушбу жиноий ишлар юзасидан олиб борилаётган текширувлар қизғин бораётган бир пайтда Қорақамишнинг 2/1 даҳасида жойлашган 16-уйнинг 68-хонадонида яна бир мудҳиш воқеа рўй берди. Текширувда қотиллик ва ўғрилик худди юқоридаги каби бир хил усулда содир этилганлиги аниқланди. Биргина фарқи бу гал хонадон эгаси Кузнецовни ўлдириш учун бир эмас, балки икки дона ажал ўқи ишлатилган.

Тезкор қидирув гуруҳи жиноятчилар изидан тушган ўша кунларда Краснов, Мамбетов, Бекиров, Шмидт, кейинчалик ушбу гуруҳга қўшилган Расулова, Юсуповлар (хонадон операцияси қатнашчилари) тунги ресторанларнинг бирида маишатбозлик қилишарди. Анча кайфи ошиб қолган Краснов хонадон эгалари Юсупова ва Кузнецовларни қандай отиб ўлдирганини ҳамтовоқларига мароқ билан ҳикоя қилиб берарди.

Улар ўта хотиржам эдилар. Чунки ресторан ўзларининки бўлиб қолган. Лекин бу кунда ўзларининг ҳам кунлари битганини, "шеф" ҳамиша тайинлайдиган деворда ҳам қулоқ борлигини, ҳар қандай жиноий иш беиз кетмаслигини, бегуноҳ ўлдирилган инсонлар қони ахир бир кун уларнинг ёқаларидан тутишини билишмасди...

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Биз бағрикенг, кечиримли халқмиз. Қонимизда ҳамиша меҳр-шафқат, кўнгилчанлик, инсоф ва адолат уфуриб туради. Шу туфайли ўтмишдаги унча-мунча ранжу аламларни бир оғиз ширин сўзга алмаштириб юборамиз. Гинахонлик қилиб юрмаймиз. Аслида бунинг ўзи ҳам мардлик-мардоналик.

Лекин ҳар қандай мардликнинг, кечиримлиликнинг ҳам чегараси бўлади. Қани айтинг, куппа-кундуз куни жонингизга қасд қилсалар, йиллаб йиғиб-териб, яхши ният билан харид қилган машинангизга эгалик қилмоқчи бўлсалар, пешона тер тўкиб, не-не орзули кунлар учун тўплаган бойлигингизни бир зумда шип-шийдон қилиб кетсалар, бу разолату адолатсизликка ким чидай олади, ким? Инсоф, деган сўзнинг кўчасидан юрмаган бундай беҳаҳмликларни кечира оламизми? Йўқ, албатта. Бунақа кечиримлилик қўйни қассоб олдига оёғидан боғлаб ташлашнинг ўзи бўлмайдими?

Ушбу жиноий иш юзасидан ўқилган суд ҳукмидан сўнг қотиллардан бирининг онаси кўзида ёш билан: "Ўғлим ҳали ёш, илтимос, уни кечиринглар", деб йиғилганларга мурожаат қилганларида, залнинг нариги бурчагида ўтирган мана шу "ёш ўғил"нинг қилмиши билан шаҳид кетган йигитлардан бирининг онаси бу сўзни эшитиб, ўкириб юборди. Икки она, икки хил ҳолат. Бири ўғлининг қилмишидан боши эгилган, пушаймон, иккинчиси эса бағри хун, юраги қон. Айтинг, бу ҳаётий саҳна кўринишига инсон зоти чидай оладими? Шунақа тошбағир одам бормикин, ўзи?

Узоқ вақт зал жимиб қолди. Ҳамма ўз фикри-зикри билан банд эди. Ниҳоят, суд раисининг бироз титроқ ва ҳаяжонли овози гўё зулмат қаърига чўккан бу жимликни бузгандек бўлди. Раис 16 киши иштирок этган (уларнинг барчасининг номини ушбу суд очеркига бирма-бир кирита олмадик. Асосий воқеа иштирокчилари узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар) бу жиноий ишга сўнгги нуқтани қўйди. Одамлар бирин-кетин зални тарк этди.

Йўлда кетаётиб бир нуроний чолнинг "Ноинсофни қаранг, қайси юз билан уялмайнетмай қўли қон ўғлининг қилмишини кечиришларини сўради-я. Ҳа, фарзандинг сенга шунчалик азиз экан, олдин кўзинг қаёқда эди? Нега унинг босган изидан бехабар бўлдинг?",— деган сўзлари қулоғимизга чалинди. Сўнгги пушаймон — ўзингга душман, деганлари шу бўлса керак-да?

Биз бу ўринда ушбу жиноятчилар тўдасининг пайдо бўлиши, уларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган баъзи иллатлар, фарзанд бурчи, оила одоби, маҳалланинг роли, огоҳлик, ҳушёрлик, оёқ остидаги фалокат ҳақида анча-мунча гап айтишимиз, фикр юритишимиз мумкин эди. Лекин қайта-қайта такрорланадиган бу сўзларни яна таъкидлаб ўтиришни лозим топмадик. Чунки жамиятимиз кишилари бу гапларни аллақачонлар мағзини чақиб улгуришган. Шу ниятда ушбу жиноий ишдан қандай хулоса чиқаришни ҳар кимнинг ўзига ҳавола этдик.

Илҳом ҚОБИЛОВ,
Тошкент шаҳар суди раиси вазифасини бажарувчи.
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрининг Яккасарой 1-сонли, Собир Раҳимов 4-сонли, Шайхонтоҳур 4-сонли туманлари давлат нотариал идораларидаги ўрни бўш нотариуслик жойига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлганлар учун танлов ўтказилади. Унда қатнашишни истаганлар Адлия бошқармасига мурожаат қилишлари лозим.

ҲУРМАТЛИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ҚАТНАШЧИЛАРИ!

"Консаудитинформ" Агентлиги қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларини ва барча хоҳловчиларни ўзбек ва рус тилларида чоп этилаётган ойлик ахборотнома – **"Рынок ценных бумаг"** ва ҳар чораклик – **"Обзор финансового рынка Узбекистана"** нашрларига 2000 йилги обунаси давом этишини маълум қилади.

1. Ҳар ойлик ахборотнома **"Рынок ценных бумаг"** бир йилга:

– шахсий обуначилар учун: индекси – 833, нархи – 5400 сўм;

– юридик шахслар учун: индекси – 981, нархи – 10800 сўм.

2. Ҳар чораклик **"Обзор финансового рынка Узбекистана":**

– шахсий обуначилар учун: индекси – 849, нархи – 1900 сўм;

– юридик шахслар учун: индекси – 983, нархи – 3800 сўм.

Қўшимча маълумотлар учун телефон рақамлари ва манзил:
Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 6-уй.
132-01-92 ва 136-30-80 (факс) 133-03-99.

Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга олиш бош бошқармаси томонидан Акмал Икромов туманидаги ихтисослаштириш трестининг механизация бошқармасига қарашли 1526573103 рақам билан берилган
ЕР МАЙДОНИ КАДАСТРИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Ўқитувчи" нашриёти жамоаси физика-математика таҳририяти кичик муҳаррири Ҳакима Мусахўжаевага оталари **Турдиали ота НУРАЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-08. Босмага топшириш вақти 11.30 123456